Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси таъсис қурултойи

Ўзбекистон овози

Кундалик ижтимоий-сиёсий рўзнома

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 213 (21. 080) 1991 йил 2 ноябрь, шанба ● Йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ—ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

1991 йил 1 ноябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг таъсис қурултойи бўлиб ўтди.

Қурултойни уни чақириш ташкилот комитетининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов очди.

Делегатлар қурултойнинг раҳбар органларини: ҳайъат, котибият, таҳрир ва мандат комиссияларини сайладилар. Дастур ва Низом лойиҳаларини узил-кесил ишлаб чиқиш комиссияси, шунингдек сайлаб қўйиладиган органларнинг таклиф этилаётган таркибини тузиш ҳамда қурултой қарорлари лойиҳасини тайёрлаш комиссиялари сайланди.

Қурултой қуйидаги кун тартибини тасдиқлади:

1. Ўзбекистонни янгилашда, унинг истиқлоли ва мустақиллигини мустаҳкамлашда, халқ учун муносиб турмуш шароитини яратишда Халқ-Демократик партиясининг роли ва ўрни.

2. Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг Дастури тўғрисида.

3. Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг Низоми ҳақида.

4. Партия раисини сайлаш.

5. Партиянинг Марказий Кенгашини сайлаш.

6. Партиянинг Марказий тафтиш комиссиясини сайлаш.

Қурултойда Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси таъсис қурултойини чақириш ташкилот комитетининг раиси, Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов маъруза қилди.

Музокараларда: Тошкент давлат техника дорилфунуни ректори Н. Р. Юсупбеков, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Д. Н. Шамшетов, Сирдарё вилоятининг Сирдарё районидаги «Ленинград» жамоа хўжалигининг бригадири М. Қ. Синдоров, Андижон педагогика илмгоҳи кафедра мудири М. Қирғизбоев, Тошкент вилоят ижроия комитетининг раиси Э. М. Рўзиев, Сирдарё вилояти Янгиер шаҳридаги В. И. Ленин номли бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинати граждан мудофааси штабининг бошлиғи Б. Н. Зажицкий, «Экономика и жизнь» — «Ҳаёт ва иқтисод» журналининг бош муҳаррири И. Хушев, Хоразм вилояти мувақкат ташкилот комитетининг аъзоси Г. Машарипов ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Мандат комиссиясининг таклифига биноан қурултой унга сайланган делегатларнинг ваколатларини тасдиқлади.

Шундан сўнг давом этган музокараларда «Ўзбекистон овози» газетасининг бош муҳаррири Р. Раҳмонов, Хоразм вилоятининг Шовот районидаги 45-сонли ўрта мактаб муаллими К. Матёқубов, Жиззах вилояти Жиззах районидаги Энгельс номли давлат хўжалиги ишчиси И. Бердиев, Наманган вилояти халқ депутатлари Учқўрғон район Кенгашининг раиси К. Раимжонов, Сурхондарё вилоят партия комитети мафкура бўлимининг мудири Х. Э. Эрматов, Қарши шаҳар халқ таълими бўлимининг мудираси М. Қодирова, Бухоро вилояти ташкилот комитети раисининг ўринбосари А. Р. Мўминов, «Самарқанд» станцияси локомотив депосининг машинисти Ю. Н. Верхотуров, Фарғона вилоят ижроия комитети раисининг ўринбосари А. С. Эргашев ўртоқлар сўзга чиқдилар.

● Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг таъсис қурултойида.

Суратларни «Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири В. МОЛГАЧЕВ олган.

Қурултойда ташкилот комитетининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов якунловчи нутқ сўзлади. У делегатлардан тушган бир қанча саволларга жавоб қайтарди.

Шундан кейин қурултой Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси Дастури ва Низоми лойиҳаларини муҳокама қилишга киришди. Лойиҳаларни пухталаштириш комиссиялари номидан: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ илмгоҳининг директори А. Саидов, Тошкент электротехника алоқа илмгоҳининг ректори Ж. А. Абдуллаев сўзга чиқдилар. Улар муҳокама қилинаётган ҳужжатлар лойиҳаларига тушган мулоҳазалар ва таклифларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида ахборот бердилар.

Қурултой Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси Дастури ва Низомига тузатишлар, қўшимчалар ва ўзгартишларни муҳокама қилгандан сўнг уларни тасдиқлади ва муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди.

Қурултойнинг кечқурунги мажлисида ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Делегатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовни бир овоздан Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг Раиси этиб сайладилар. Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг Марказий Кенгаши ва Марказий тафтиш комиссияси сайланди.

Қурултой «Ўзбекистон ХДП Марказий тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низом»ни тасдиқлади.

Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг таъсис қурултойи шу билан ўз ишини тугатди.

ЎЗБЕКИСТОННИ ЯНГИЛАШДА, УНИНГ СУВЕРЕНИТЕТИ ВА ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА, ХАЛҚ УЧУН МУНОСИБ ТУРМУШ ШАРОИТЛАРИНИ ЯРАТИШДА ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ЎРНИ ВА ВАЗИФАСИ

Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси таъсис қурултойини чақириш ташкилот комитети раиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. А. КАРИМОВ маърузаси

Ҳурматли маслакдош дўстлар, ўртоқлар!

Бугунги ғоят серташвиш ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда бизнинг таъсис қурултойимиз алоҳида ўрин эгаллаши аниқ. У янгидан тузилаётган партия аъзолари ҳаётидагина эмас, бутун халқимиз ҳаётида ҳам катта бурилиш нуқтаси бўлади. Мазкур қурултой жамиятимизнинг барча соҳаларида янгиланиш, поклаиш жараёнларини бошлаб беришга муносиб ҳисса қўшиши шак-шубҳасиздир.

Маърузани бошлашдан олдин мамлакатимизда кечаётган воқеалар ҳақида бироз тўхталмоқчиман.

Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазият мамлакатда рўй бераётган жуда ҳам мураккаб, зиддиятли жараёнлар билан боғлиқ. Бу воқеаларнинг ҳаммаси унитар давлатнинг, маъмурий-бошқарув тизими амалда емирилиб бўлганлиги билан изоҳланади.

Бу инқирознинг аломатлари шунда кўринмоқдаки, ҳокимиятни бой берган марказ мамлакатни идора қилолмаяпти. Тазйиқ, қаттиққўллик, буйруқбозликка асосланган хўжалик юритиш ришталари узилмоқда, лекин янги бозорнинг таркибий ва ёрдамчи тармоқлари ҳали бери тузилаётгани йўқ. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, авваламбор халқ истеъмол қиладиган молларнинг тубдан камайиши, тартиб-интизом йўқ бўлиши нарх-наво кескин кўтарилишига олиб келяпти. Ҳозир қаёққа қараманг— қимматчилик.

Иқтисодий танглик туфайли халқнинг, айниқса, камбағал-ночор кишиларнинг турмуш даражаси кескин пасаймоқда. Вазият кескинлиги бир қанча минтақаларда миллатлараро тўқнашувларга олиб келмоқда. Собиқ Иттифоқ субъектлари бўлган суверен давлатлар орасидаги муносабатларни шакллантириш жараёнини ҳам силлиқ кетаяпти, деб бўлмайди. Иқтисодий ҳамкорлик ҳақидаги шартнома узоқ тортишувлардан кейин, катта қийинчилик билан имзоланди.

Ўтиш жараёнига келсак, келишилган муқобиллаштириш ва бошқарув тузилмаларини яратиш кечириб бўлмас даражада орқага сурилмоқда. Бундай тузилмаларнинг йўқлиги ва бошқа қатор муаммоларнинг ечилмаётгани одамларда умидсизлик кайфиятини уйғотмоқда. Улар, эртага бола-чақаларимизнинг ҳоли нима кечади, деб ташвишга тушмоқдалар. Бу мутлақо табиий ҳолдир.

Бундай шароитда турли сиёсий кучлар ўртасида давом этаётган тўқнашувлар жуда хатарлидир. Бир қанча минтақаларда қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимиятлар ўртасида келишмовчилик чиқаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Отдан тушса ҳам эгердан тушишни истамаётган, мустамлакачилик сиёсатига тиш-тирноғи билан ёпишиб олган «арбоб»лар мана шундай келишмовчиликлардан жуда ҳам усталик билан фойдаланиб келишди ва бундан кейин ҳам албатта, фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Бу — масаланинг бир томони.

Иккинчи томони шундаки, айрим минтақалар ва жумҳуриятлар ҳамон бир-бирларига ўтмишдан қолган ишончсизлик, ўта «эҳтиёткорлик» кўзи билан қарамоқдалар. Улар бизга маълум сабабларга кўра «Марказ» деб аталувчи эски тизимдан ниҳоятда безиллаб қолишган.

(Давоми иккинчи бетда).

ҚУРУЛТОЙНИНГ РАҲБАР ОРГАНЛАРИ

ҲАЙЪАТ

Абдужабборов С. М.
Абдуллаев О.
Абдураззоқов У. А.
Абдураимов Ҳ. М.
Абдушоҳидов А.
Абишева Р. А.
Абутолипов Ч. А.
Азаматов Э. О.
Алламуродов Б. А.
Асанов А. Х.
Бобоев А.
Бегимқулова М.
Бугров Б. И.
Верхотуров Ю. Н.
Виноградова З. К.
Жўрабеков И. Ҳ.
Жўрабоев А.
Искандаров М. И.
Пўлдошев Ш. М.
Каримов Б. И.
Каримов И. А.
Каримова Т. Р.
Лиман А. М.
Маматов А. Ж.
Маткаримов Ҳ.
Мирзабоева Ш.
Мирзаев М. М.
Мирсаидов М.
Мирсаидов Ш. Р.
Михайлов В. К.
Муҳиддинов Н. А.
Мўминов А. Р.
Носиров А. Н.
Ниёзов Ш. Н.
Нурбоев М.
Обидов С.
Олимов А.
Ориповов А.
Отамуродов Р.
Охунжонов С. С.
Раҳмонов Р.
Расулов М. М.
Рўзиев С. С.
Салоҳиддинов М. С.
Саекеева Т. С.
Саидов А.
Синдоров М. Қ.
Солиҳбоев С. Ш.
Умбатов А.
Усмонов С.
Худойберганова О. Ҳ.
Шамшетов Д. Н.
Эргашев Б. Қ.
Юсупбеков Н. Р.
Қаюмов П. Қ.
Қодиров П.
Ҳакимов М. С.
Ҳамидов Б. С.
Ҳотамов Н.
Ҳошимова О.

КОТИБИЯТ

Абдуллаев Ш.
Аҳмедова М. А.
Ботиров Т. И.
Бекжонова Ҳ. Қ.
Бердиева Д.
Демчик О. Т.
Ёқубов Н. Ё.
Мўлдабекова Ж.
Норқобилова О.
Олланазаров Ш. Н.
Ражабова О. У.
Раҳимов А. Ҳ.
Ҳожиев И. Ҳ.
Ҳамидова С. Ҳ.

ТАҲРИР КОМИССИЯСИ

Аҳмедова Д. И.
Велишоева С. К.
Володарский А. П.
Иванов В. А.
Низомиддинов Ҳ. З.
Отбайларов Т.
Раҳмонов Р.
Сотимов Т. М.
Уснатдинов Ш.
Шодиева Б. А.
Шодиева М. Б.
Ўринбоев Б.
Қозоқбоев Т. М.

МАНДАТ КОМИССИЯСИ

Абдуллаева М. С.
Алесич И. П.
Аметов А.
Бозоров Қ.
Исмоилов Қ.
Маҳмудов М. А.
Мухторов Р. М.
Раззоқов А. С.
Раҳматуллаев Ш.
Тожиев Б.
Тошкенбоев А. Х.
Тошматов Н. Э.
Турғунов О.
Турсунмуродов Н. П.
Эргашев О.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

1991 йил 1 ноябрда Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси Марказий Кенгашининг пленуми бўлди.

Пленум **М. М. Расуловни** Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби ва Сиёсий Ижроия Комитетининг аъзоси этиб сайлади.

Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси Марказий Кенгаши иккинчи котиби ва Сиёсий Ижроия Комитетининг аъзоси этиб **А. Н. Носиров** сайланди.

И. А. Кочмарик, А. Саидов, Ҳ. М. Абдураимов Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси Марказий Кенгашининг котиблари ва Сиёсий Ижроия Комитетининг аъзолари этиб сайландилар.

У. А. Абдураззоқов, А. Асанов, А. Ж. Маматов, А. Мўминов, Э. Рўзиев, М. Қ. Синдоров, Э. Ҳакимов, Б. Алламуродов Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий Ижроия Комитетининг аъзолари этиб сайландилар.

Пленум ишида Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов иштирок этди.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИНГ ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

1991 йил 1 ноябрда Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси Марказий тафтиш комиссиясининг пленуми бўлди.

Пленум **О. Турғунов**ни Ўзбекистон ХДП Марказий тафтиш комиссиясининг раиси этиб сайлади.

Пленум ишида Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиблари ва Сиёсий Ижроия Комитети аъзолари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси таъсис қурултойи

ЎЗБЕКИСТОННИ ЯНГИЛАШДА, УНИНГ СУВЕРЕНИТЕТИ ВА ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА, ХАЛҚ УЧУН МУНОСИБ ТУРМУШ ШАРОИТЛАРИНИ ЯРАТИШДА ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ЎРНИ ВА ВАЗИФАСИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Жумҳуриятларда бугун мутлақо бир-бирига ўхшамайдиган турли хил ижтимоий-сиёсий тизимлар вужудга келмоқда. Бунга табиий ҳол деб қараш керак. Негаки, ҳар бир халқ миллий давлат қурилмаси шаклини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга. Худди шу нарса айрим сиёсий кучларга ёқмаяпти. Улар аллақандай «ягона демократик макон» деган шартларни байроқ қилиб, ўзларига маъқул бўлган сиёсий ва иқтисодий тазйиқни ўтказишга уринмоқдалар.

Ана шундай мураккаб шароитда жумҳуриятимиз бошқа минтақаларда рўй бераётган қарама-қаршиликдан, жамиятни барбод этишга хизмат қилаётган жараёнлардан узоқроқ туришга ҳаракат қилаяпти.

Мен жуда кўп такрорлайдиган принципимиз шуки, бизнинг ўз йўлимиз бор, ўртоқлар! Биз воқеаларни сунъий равишда тезлаштириш тарафдори эмасмиз. Нимаики қилсак ва қилаётган бўлсак, Ўзбекистоннинг туб хусусиятларидан, ҳаётий эҳтиёжларидан келиб чиқиб қилдик ва бундан кейин ҳам мана шундай тарзда иш олиб бораверамиз.

Жумҳуриятимизда халқимизнинг табиий, конституциявий ҳуқуқига асосланиб, унинг азалий орзу-умиди бўлиб келган мустақиллик эълон қилинди.

Мен буни энг муҳим тарихий ва ҳаётий эҳтиёжларимиздан бири деб биламан, ўртоқлар! Бу мустақиллик сари бурилиш ҳаракати 1985 йилдаёқ бошланган жараённинг мантиқий натижаси сифатида юзага келди. Ҳеч шубҳа йўқки, бу тарихий воқеа Ўзбекистоннинг бугуни ва истиқболини белгилаб берувчи асосий омил бўлади.

Бизнинг Ўзбекистон халқларининг туб манфаатларига, орзу-умидларини рўёбга чиқаришга қаратилган хатти-ҳаракатларимиз кимларгадир ёқмасдан, жумҳуриятимизда тоталитар тартиботни сақлаб қолишга интилишдек бўлиб кўринмоқда. Муҳолифларимиз бизни ажралиб чиқишга интилишда ва экстремизмда айблашга уринмоқдалар. Бунақа бўҳтон гапларга ҳеч қанақа асос йўқ.

Ҳаммага аёнки, биз энг сўнгги дамларгача Иттифоқ Шартномасига қўл қўйиш тарафдори бўлдик. Иқтисодий ҳамкорлик шартномасини биринчилар қатори имзоладик. Бугун ҳам биз суверен мустақил давлатларнинг эркин конфедерациясини ташкил этишни истаётганлар билан қўлни қўлга беришга тайёрмиз.

«Маслаҳатли тўй тарқамас» деган гап бор халқимизда. Мавжуд муаммоларни ечиш учун ким биз билан тенглашмоқчи бўлса, марҳамат, эшигимиз очиқ.

Ўзбекистонга, ўзбек халқига, унинг раҳбариятига гоҳ у ёқдан, гоҳ бу ёқдан маломат тошларини отилаётганига эътиборсиз бўлмаслигимиз керак, деб ўйлайман.

Авваламбор бунақа уринишлар ўз байроғи остида бугунги Иттифоқдаги ва жумҳуриятимиздаги мураккаб вазиятдан фойдаланмоқчи бўлган, Ўзбекистоннинг келажаги учун ҳеч қачон жон куйдирмасдан, фақатгина ўз ғаразли манфаатларига эришмоқчи бўлган, имон-эътиқодини йўқотган шахсларни тўплаб олиши турган гап.

Сиёсий ва ижтимоий ислоҳотлар ўтказишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Худди иқтисодда бўлганидек, сиёсий ва ижтимоий ҳаётимиз ҳам, мафкуравий ўйинлардан, ғаразлардан халос бўлиб, соғлом ақл-идрок асосида қурилиши керак. Жумҳуриятимиз танлаётган йўл халқнинг тарихий анъаналарига суянган, уларни қайтадан тикловчи ва янги мазмун билан бойитувчи ижтимоий тараққиёт йўлидир.

Биз бу йўлга қадам қўяр эканмиз, ўтмишга бир назар ташлаб, тарихнинг аччиқ ва шифобахш сабоқларидан хулоса чиқариб олишимиз керак. Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси юргизмоқчи бўлган сиёсатнинг сарчашмаси ҳам, энг аввало ўша тарих сабоқларидадир.

I. Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг сиёсати— халқ манфаатларини ифодаловчи сиёсатдир

Бугун Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси ҳаётга қадам қўймоқда. Бу партия халқ маъқуллаган барча яхши сифатларни ўзига мерос қилиб олади. **У собиқ Компартиянинг янгича кўриниши эмас, балки мазмуни ва фаолият усули жиҳатидан батамом янги сиёсий партиядир.** Бу партия ўз фаолиятида халқнинг энг яхши демократик анъаналарига, халқнинг тарихий тажрибасига, адолат, эзгулик, тенглик ва инсон шахси эркинлиги каби умуминсоний қадриятлар ҳамда идеалларга, ахлоқийлик ва одамийлик қоидаларига суянади.

Кўҳна тарих ҳақида сўз юритар эканмиз, энг аввало у — халқ хотираси, деган ҳикматли иборага амал қилишимиз зарур. Хотирасиз инсон тугал ва комил бўлмагани каби, ўз тарихини унутган халқнинг ҳам ҳеч қачон келажаги бўлмайди.

Минтақанинг қадимий халқлари вақти-вақти билан бир неча бор равнақ ва таназзул даврларидан ўтиб, ажнабий босқинчиларнинг жабр-зулмини ҳам, озодлик натижасини ҳам тўла-тўкис бошдан кечириб, ҳар қандай эркинликни барбод этувчи мафкурачилик исканжасига неча марталаб мубтало бўлганлар. Шунга қарамай, улар ўзларининг бутун кўп асрлик тарихи мобайнида адолат, тенглик, яхши қўшничилик ва инсонпарварлик туйғуларининг нозик ришталарини авайлаб-асраб келдилар. Эҳтимол, биз ҳақиқатан ҳам илк бор жозибали умуминсоний қадриятларга мурожаат этаётган бугунги кунда, юқорида зикр этилган анъаналарни қайтадан тиклаш, уларни янги мазмун билан бойитиш жоиздир.

Биз тарихимизни ёритишда уни давр, муайян сиёсий гуруҳлар ёки айрим шахслар манфаатларига мослаб талқин этишни қаттиқ қоралаймиз. Ғоят мураккаб ва зиддиятли тарихимизни холисона ва илмий ўрганиш,—тарихчи олимларимизнинг масъулияти ва олижаноб вазифаси, деб ҳисоблаймиз.

Лекин, шуларга қарамасдан, тарихимизни ўрганишнинг айрим муҳим жиҳатларини айтиб ўтмасак бўлмайди.

Биринчидан, ўтмишда содир бўлган барча воқеалар— яхшиси ҳам, ёмони ҳам — бизнинг тарихимиз, ота-боболаримиз хотираси. Шу боисдан ҳам тарихнинг халқ учун энг оғир ва шу билан бирга азиз бўлган саҳифаларига асло қора бўёқ суркаб бўлмайди.

Иккинчидан, тарихга ҳурмат туйғуси — ўтмишдаги ибтидоий турмуш тарзига кўр-кўрона сажда қилиш эмас. Гўёки ўтмишда қолиб кетган «олтин аср»ни излаш ва уни топиб, бугунги кунда қайта тиклаш истаги аслида пуч нарсадир.

Биз ўз тарихимизни жуда яхши, пухта билишимиз ва ҳурмат қилишимиз керак. Тарих биз учун сабоқ бўлиши зарур. Зероки, тарихни чуқур идрок этсак эски хатоларни ҳеч такрор қилмаймиз. Аксинча ўзимизнинг бугунги кунимиз ва келажагимизни тўғри белгилаб олиш имкониятига эга бўламиз.

Шунинг учун ҳам биз Ватанимизнинг бутун тарихи тўла-тўкис, ҳеч қандай ғоявий либосларни кийдирмасдан, яъни унинг ўзи қандай бўлса, худди мана шундай ҳолида халқ мулкига айланишини истаймиз.

Тарихни ақидалар асосида талқин қилишдан воз кечиш пайти келди. Энди тарихий воқеаларга ғайри илмий баҳо беришга йўл қўйиб бўлмайди.

XIX асрнинг ўрталаридан бошланган давр айниқса, шундай холисона ёндошувга муҳтож. Худди шу давр ва инқилобга туташ йиллар ҳақида сўз кетганда, сиёсий цензурачиларнинг, айниқса, зўр бериб ишлатилганини айтиш керак.

Бу даврга келиб, замон талабларига кўра, демократия ва маърифатчилик ғоялари тез таркиб топди ва ривожланди. Давлат тузуми ва маданият соҳасида дунёвий илм ҳамда тасаввурларга интилиш жуда кучайди.

Чор Россиясининг Ўрта Осиёни забт этиши ўлкамизни Россия саноат районларининг хомашё маконига айлантириб қўйди ва бу ерларда яшайдиган кўпчилик халқларни бевосита ёки билвосита ўз мустақил давлат тузумларидан жудо қилди.

1917 йилда бутун Россия империясини қамраб олган инқилобий жараёнлар бизнинг халқларимиз кўнглида ижтимоий, миллий ва мустамлакачилик истибдодидан батамом қутулиш умидини уйғотди. Ушбу жараёнлар миллий давлат яратиш учун, ўлкадаги халқларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий жиҳатдан тўлиқ мустақил бўлиши учун демократик кучларнинг курашига қудрат бағишлади.

Аммо бу жараёнлар ривожи жуда чигал ва зиддиятли эди. Дастлабки даврларда инқилобий ғояларни амалга оширишга раҳбарлик қилишда маҳаллий аҳоли вакиллари мутлақо қатнашмади, десак ҳам бўлади.

Уларни минтақанинг ўзига хос жиҳатларини тушунмайдиган ва билмайдиган кишилар четга суриб чиқариб қўйдилар. Улар халқнинг асрлар мобайнида шаклланган анъаналари, урф-одатларига, турмуш тарзига эзид, уларга тўғри келмайдиган хато сиёсатни амалга оширдилар. Тор синфий қарашлар, большевикча ҳаддан ошиш, ур-йиқит, инқилобни четга ёйиш каби ҳаракатларнинг оқибати яққол сезилди.

Шу сабабдан ҳам бугун биз йиллар давомида аксилинқилобий, реакцион ва миллатчилик деб баҳоланган «жадидлик», «пантуркизм» ва босмачилик ҳаракатлари каби зиддиятли ҳодисаларни холислик билан атрофлича қайта таҳлил қилишимиз керак, деб ҳисоблаймиз.

20-йилларга келиб, ҳукумат органларига халқ демократияси ғояларига содиқ, маҳаллий халқнинг илғор қайфиятдаги ўз вакиллари ҳам кира бошладилар. Сиёсий, иқтисодий ва маданий жабҳалардаги маълум ижобий ўзгаришлар энг аввало уларнинг фаолиятлари билан боғлиқ. Маҳаллий раҳбарларнинг хизматлари туфайли миллий давлатчилик тузулмалари юзага келди, ишлаб чиқаришда саноат базаси яратила бошланди, мунтазам халқ маорифи тизими йўлга қўйилди. Айни замонда Иттифоққа кирган бошқа халқлар билан дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро ёрдам муносабатлари ҳам ривожланди.

Лекин шунга қарамай вазият жуда оғир ва фожиали эди. Худди ўша 20-йилларнинг охирларига бориб, маъмурий-буйруқбозликка асосланган мустабид марказ узилкесил шаклланиб улгурди. Ушбу марказ амалда чекланмаган ҳокимиятни ўз қўлида мужассамлаштириб, жумҳуриятларнинг мустақиллигини оёқости қилди, шахсларнинг, фуқароларнинг энг оддий ҳақ-ҳуқуқларини топтади.

Ўзбекистонда феодализм асоратидан ва мустамлака ўтмишдан қутулишга қаратилган илғор ҳаракатлар тўхтаб қолди. Жумҳурият яна кўп йиллар мамлакатнинг хомашё базаси ролини ўташга маҳкум этилди. Россия империясининг тарих ахлатхонасига улоқтириб ташланишга мансуб «пахта мустақиллигига эришиш» деган ғирром шиори яна қайтадан тикланди. Пахта яккахокимлиги узил-кесил қарор топди, иқтисод батамом хомашё етказишга ўтказилди.

Бундай иқтисодий сиёсатнинг оқибати шу бўлдики, бугунги кунда бизларнинг ҳосилдор ерларимиз ҳолдан тойди, қисман ишдан чиқди. Оролбўйида экологик ҳалокат юзага келди, халқ хўжалиги мажмуи бир томонлама ривожланди, халқимизнинг турмуш даражаси пасайиб кетди.

Жумҳуриятимиз халқи 30—50-йиллардаги сталинча қатағондан қаттиқ жабр кўрди. Илғор фикрли кишилар марказнинг амри ва тазйиқига қарши чиқдилар. Натижада уларни «халқ душмани» деган тамға билан таъқиб этишди, қамашди, ўлдиришди.

Айниқса, маънавий йўқотишларимиз катта бўлди. Тарихий ва маданий меросга тор синфий нуқтаи назардан ёндашиш, сохта «социалистик реализм» назариясини қурол қилиб олиш миллий маданиятларни барбод этиб, уларни бир хил қолипга солиб қўйди. Ўзбек адабиётининг кўплаб илғор намояндалари «советларга қарши» деган ёлғон айблар билан йўқ қилиб юборилди.

Иллар давомида, ҳатто яқин-яқин кунларгача тарихан шаклланган анъаналаримиз ва урф-одатларимиз «душман мафкураси» билан кураш ниқоби остида жамият ҳаётидан қувғин қилинди. Дин ва дахрийликни ғоят жўн ва қўпол тарзда тушуниш фуқароларнинг Конституцияда белгилаб қўйилган виждон эркинликларини қўпол бузишга олиб келди.

80-йилларнинг ўрталарида республикамиз халқи бошига яна катта мусибатлар тушди. «Пахта иши» деб аталмиш уйдирма айблар ва ғайри-қонуний тазйиқ кўплаб оилалар бошига фожиа келтирди. КПСС Марказий Комитети томонидан Ўзбекистонга юборилган «адолат учун кураш десанти»га кирган бетайин кимсалар ҳам бизга жуда ҳам катта зиён етказдилар.

Буларнинг ҳаммасини таҳлил қилиб, чиқариб олган энг катта сабоғимиз шундан иборат бўлдики, маъмурий-буйруқбозлик ва тоталитар тизимининг турган-битгани зиён эканини англаб етдик. Якка-партиялилик ғояси, яъни КПССга жамиятда раҳбарлик ва раҳнамоликни берувчи ғоя ҳам замон талабига жавоб бермай қолди. Бундай амалиёт эндиликда халқнинг туб эҳтиёжлари ва манфаатларини рўёбга чиқаришга ожизлик қилиб қолди. Чунки у бутун туриш-турмуши билан мустақиликка қарши ҳукумат тузилмаларини ҳаракатга келтирувчи восита эди.

Биз бир партия якка ҳокимлигига барҳам берилишини ва кўп партияликнинг вужудга келишини объектив ва тарихан муқаррар жараён деб тушунамиз. Шу муносабат билан «Эрк» демократик партиясининг қонуний тан олинишини ва шу мақсадга уринаётган бошқа партияларни қўллаб-қувватлаймиз. Янги партияларнинг тан олиниши, унга жамият манфаатлари йўлида савобли ишлар қилишга кенг имкониятлар яратиб берилишига шак-шубҳа йўқ.

Унитар тизимини қоралар эканмиз, шу билан бирга биз ўтган 70 йилдан кўпроқ давр мобайнида қилинган муайян хайрли ишлардан кўз юмолмаймиз. Чунки бу ишлар халқларнинг иродаси билан амалга оширилган.

Шунинг учун ҳам биз Ватанимизнинг бутун тарихи тўла-тўкис, ҳеч қандай ғоявий либосларни кийдирмасдан, яъни унинг ўзи қандай бўлса, худди мана шундай ҳолида халқ мулкига айланишини истаймиз.

Халқ манфаатларини оёқости қилган мустабид сиёсатни кескин қоралар эканмиз, биз ҳеч қачон бу мудҳиш сиёсат билан рус халқининг хоҳиш-иродаси ўртасига баробарлик белгисини қўймаслигимиз керак.

Рус халқи ҳам биз билан баробар тоталитар тизимининг азобини тортди. Республика тарихи давомида биз билан ёнма-ён яшаётган рус ва бошқа қардош халқлар вакиллари ҳам ўзбек халқининг озодлик, адолат ва ижтимоий тараққиёт сари интилишини қўллаб-қувватлаб келдилар, биз билан ҳаётнинг барча аччиқ-чучугини баҳам кўрдилар.

80-йилларнинг охирига келиб, бизнинг кўзимиз очила бошлади. Биз ўз **республикамиз халқлари манфаатларига мос келадиган, ўз ички ишларимизга бировларнинг аралашувини истисно этадиган мустақил сиёсат ишлаб чиқиш зарур эканини тушундик.** Бу ғояларни биринчи бўлиб Ўзбекистон Компартияси олға сурганини **адолат билан тан олиш керак.** Компартиянинг республика мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқларнинг маданий анъаналарини тиклашга, жумҳуриятда фуқаролар ва миллатлар тотувлигини таъминлашга, аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя этишга қаратилган амалий ҳаракатлари халқимиз томонидан маъқулланди.

Лекин у ўзининг бошқарув ҳокимияти вазифаларини бажарувчи, назарий томондан КПСС бошида турган, бутун ҳокимиятни ўз қўлида мужассамлаштирган бир ҳовуч кимсаларнинг ҳукмронлигига хизмат этувчи ақидаларга таянган эски, авангард тусидаги сиёсий ташкилот сифатида умрини яшаб бўлди.

Ҳаётнинг янгича талаблари сиёсий майдонига янги кучлар ва тубдан янги фаолиятли сиёсий партияларнинг чиқишини тақозо этди.

Биз халққа зўрлаб буюрган, гўёки энг юксак донишмандлик сифатида тақдим этилган эски мафкуравий тузоқлар ва қотиб қолган, ҳаётдан ажралган қоидалардан батамом воз кечмоқдамиз. Биз демократик ва ҳуқуқий тартиблар ўрнига амирона-бюрократик тазйиқ ҳоким бўлган сиёсат ва давлат тузимидан воз кечмоқдамиз. Ўзларини энг олий ҳақиқат дарғалари деб ҳисоблаган КПСС «доҳийлари»нинг эскидан қолган қуруқ шиорлари ва қоидаларидан ҳам бутунлай воз кечамиз.

«Порлоқ коммунистик келажак» ҳақидаги, социализм ғалабаси ҳақидаги турли шиорлар, «социализмнинг тўла ва узил-кесил ғалабаси», «ривожланган социализм» ва ҳоказо «изм»ларнинг ҳаммаси сафсата эканини ҳаёт тасдиқлади ва биз буни тушуниб етдик. Бу шиор ва қоидалар халқнинг, оддий фуқароларнинг бугунги ташвиш ва муаммоларини, уларнинг бошига тушган қийинчиликларни, уларни ечишга ожизликни яшириш учун ўйлаб топилган ниқоблар эди, холос.

Қайта қуриш ва янгиланиш жараёни аҳолининг барча тоифаларини уйқудан уйғотди, одамларнинг миллий ва фуқаролик онгини ўстирди, ҳаётимизда содир бўлган ва бўлаётган воқеаларни тўғри баҳолаб, уларнинг мия-сига мажбуран қуйилган ёлғон-яшиқлар заҳридан қутулиш имконини берди.

Халқ-Демократик партияси ўз фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ демократия, озодлик, ижтимоий тараққиёт ва адолат ғояларининг барча тарафдорлари учун очиқ бўлиши керак. Бу партия вақт синовидан ўтган, халқ томонидан тўла қўллаб-қувватланган илғор фикрларни ўзига дастур этиб олади. Биз бугун вужудга келаётган янги партиямизнинг дастурий мақсадларини, халқнинг кечаги куни, бугуни ва келажак ҳаётини танқидий кўз билан ҳисоб-китоб этган ҳолда холисона баҳолашни таклиф этамиз.

II. Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг дастури— демократик ислоҳотлар дастури

Аввало, шуни таъкидлашни истардимки, партия Дастури лойиҳаси йўнгги йилларда омма маъқуллаган ва эътироф этган ғояларни ривожлантиради ва бойитади. Янги партия инсонпарварлик ва демократия қоидаларини, меҳнат аҳлининг манфаатларини муҳофаза қилишни ўзи учун асосий йўналиш қилиб олган.

Бизнинг бош мақсадимиз — ҳар бир кишининг ўз сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмушини эркин танлаб олишига кафолат берадиган жамиятни, сиёсий ва иқтисодий эркинлик, демократия, тенглик ва ижтимоий адолат ўрнатилган жамиятни барпо этишдир.

Бу ерда гап одамларнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш, миллатидан, ижтимоий насл-насабидан, эътиқоди ёки қайси динга мансублигидан қатъи назар, барча фуқароларнинг тинчлиги ва осойишталиги тўғрисида бормоқда. Фуқаролар ва миллатлар тотувлиги, ҳаётнинг барча соҳаларида тартиб ва қонунийликка риоя қилиш — ана шундай жамиятни барпо этишнинг асосий йўли деб ҳисобланмоғи керак.

Партия Дастурининг энг устун вазифаларидан бири — Ўзбекистоннинг чинакам давлат мустақиллигини таъминлаш ва уни мустаҳкамлаш, республикамиз жаҳон ҳамжамиятининг тўла ҳуқуқли аъзоси сифатида қарор топишига эришишдан иборат.

Халқ-Демократик партияси собиқ СССР субъектлари — мустақил давлатларнинг эркин конфедерацияси, ягона иқтисодий макон, сиёсий, дипломатик ва ҳарбий соҳаларда барча халқларнинг манфаатларини ҳисобга оладиган ва ўзаро маъқулланган сиёсатни ўтказиш тарафдоридир. Бу партия Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг анъанавий тарихий алоқаларини тиклаш, мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, минтақанинг муштарак муаммоларини ҳал этишда ўзаро ҳамкорлик қилиш йўлини тутади.

Халқ-Демократик партияси, бу тадбирларни қўллаб-қувватлаш билан бирга, шуни ҳам таъкидлайдики, республика ёқлаб чиқаётган конфедерация ҳақиқатан ҳам эркин, тенг ҳуқуқли ва мустақил давлатларнинг уюшмаси бўлиши лозим, унда илгари бўлганидек «катта» ва «кичик» биродарлар, машъум марказнинг зўравонлиги ва москвалик амалдорларнинг чекланмаган яккахокимлиги батамом барҳам топиши керак. **Ўзбекистон эндиликда ҳеч қачон ва ҳар қандай шароитда иккинчи даражали мавқеда туришга рози бўлмайди. Тенглар орасида тенг бўлиш халқимизнинг муносиб ва асрий орзусидир.**

Давлат мустақиллиги эълон қилингани, тегишли қонун ҳужжатларининг қабул этилиши бу йўлдаги босқичдир. Янги партиямиз катта маънавий ва сиёсий салоҳиятга эга бўлиб, барча илғор ва демократик фикрловчи кишиларга, чинакам ватанпарварлар учун кенг очиқ бўлиб, у Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин олишига ва ривожланган демократик давлат сифатида мустаҳкамланишига ёрдам беради, деб ишонамиз.

Ўзбекистоннинг чинакам мустақил давлат сифатида мустаҳкамланишига қаратилган сиёсий йўл тутиши — сира ҳам бошқа халқлардан ажралиб қолиш, деган маънони билдирмайди.

Ишончимиз комилки, барча халқларнинг ҳаёти, ва фаровонлигига баравар даҳлдор бўлган энг муҳим иқтисодий, экологик, ижтимоий муаммоларни биз фақат биргаликдагина ҳал қила оламиз.

Мустақиллигимиз халқаро миқёсда эътироф этилишига эришиш, Ўзбекистоннинг миллатлараро жаҳон ҳамжамиятига, биринчи навбатда тарихий тақдири яқин бўлган мамлакатлар ҳамжамиятига уйғун равишда қўшилишига бор кучимиз билан кўмаклашишимиз муҳимдир.

Бизнингча, республиканинг ташқи сиёсати халқ манфаатларига амал қилиш ва фақат тенглик, ички ишларга аралашмаслик, яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатдорлик қоидаларига асосланиши керак. Биз ҳаммага яхши маълум бўлган «Тошкент руҳи»ни, Ўзбекистон пойтахтининг шарқдаги етакчи иқтисодий, маданий ва сиёсий марказлардан бири сифатида тарихий мавқеини тиклаш зарур деб ҳисоблаймиз.

Тарихий йўлимизни ўзимиз танлаб олдик. Лекин чинакам иқтисодий мустақилликни таъминлаш юзасидан пухта ўйланган, изчил чора-тадбирларни амалга оширмасак, сиёсий мустақилликка эришиш тўғрисидаги гаплар шунчаки қуруқ сафсата бўлиб қолаверади. Бу соҳада марказий ва маҳаллий тўраларнинг чексиз зўравонлиги натижасида ўнлаб йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларнинг жуда қаттиқ ва чигал тугунчаларини ечиб ташлашга тўғри келади.

Ҳозирги куннинг аччиқ ҳақиқати шундаки, тангликдан аввало ўз кучимизга таяниб чиқиб олишимиз керак. Бироқ бу биз хўжалик соҳасида маҳдудлик йўлига ўтиб оламиз, деган маънони асло билдирмайди. Аксинча, тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро фойдали шериклик асосида барча давлатлар билан хўжалик алоқаларини сифат жиҳатидан янгилаш, кенгайтириш ва чуқурлаштириш лозим бўлади.

Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига чиқарадиган моллари, бошқа давлатлар билан савдо-сотиқ қилиш учун зарур бўлган маҳсулотлари бор.

Жумҳуриятнинг ҳар бир фуқароси шунга амин бўлиши керакки, бизнинг Ўзбекистон каби табиий иқлими қулай, минералнинг хом ашё заҳираларига бой ва энг муҳими — қадимий маданият соҳиби бўлмиш шундай ажойиб меҳнаткаш халққа эга бўлган ўлкани дунёда топиш амри маҳол.

Ўзбекистоннинг ер ости ва ер усти бойликлари ҳақида кўп гапириб ўтирмасдан, биттагина мисолни келтирмоқчиман. Масалан, жумҳуриятда ҳар йили қазиб чиқариладиган қимматбаҳо рангли металларнинг қиммати жаҳон нархлари билан ҳисобланса, салкам 1,3 миллиард долларни ташкил этади. Тушуниб турибмизки, бу етарли даражадаги бойлик бўлиб, у билан маҳсулотларни тенг айирбошлашга дадил ўтиш мумкин. Биз четдан ҳар қандай тазйиқ ўтказилишига, ана шу ва барча бошқа бойликларимизни қандай тасарруф этишда юқоридан кўрсатмалар бериш каби ҳолларига сира ҳам йўл қўймаслигимиз лозим.

Биз ўз иқтисодий сиёсатимизни янги қоидалар асосида қурар ва уни республика халқига тавсия этар эканмиз, ўйламай тиқиштирилган мафкуравий ақидаларга эмас, балки Ўзбекистондаги ҳар бир инсоннинг, барча халқнинг талаб ва эҳтиёжларига асосланамиз.

Республика иқтисодиёти ва хўжалик ҳаёти четдан олиб келинадиган ҳеч қандай мафкура ва тазйиққа бўйсунмайди, деб қатъий айтамиз.

Иқтисодий сиёсатда юз бераётган жараёнларни, турли ижтимоий гуруҳларнинг таркиб топаётган манфаатларини ҳолисона эътиборда тутиш, мулкчиликнинг барча шакллари тенглигини таъминлаш, ишбилармонлик ва хусусий ташаббускорликни, меҳнаткашларнинг унумли меҳнатдан манфаатдорлигини рағбатлантиришни ҳисобга олиш йўлига ўтиш керак.

Жумҳуриятнинг бозор иқтисодиётига ўтишини ёқлаётган эканмиз, биз шунинг ўзини пировард мақсад деб эмас, балки бозор иқтисодиётига ўтишни аҳоли турмуш шароитини яхшилаш воситаси деб биламиз. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий қоидаси сифатида аҳоли эҳтиёжлари устиворлигини сўзсиз таъминлаш бу мураккаб жараённи амалга ошириш узлуксизлигини, даврини ва босқичларини белгилаб беради.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида давлатнинг энг асосий вазифаси — аҳолининг камбағал ва ночор тоифалари, биринчи навбатда қариялар, кўп болали оналар, талабалар ва болаларнинг манфаатларини ҳимоя этишдан ва адолатни сақлашдан иборатдир. Яна бир бор такрорлаб айтаман, давлат ҳокимиятининг асосий бурчи мана шундадир.

Аввалги босқич тўла амалга оширилгандан кейингина навбатдаги босқичга ўтиш зарур. Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат деб эълон қилинганлиги бунинг учун барча зарур шарт-шароитларни вужудга келтиради, иқтисодий асосини эса ер усти ва ер ости бойликларига эгалик қилиш, хилма-хил маблағларга эга бўлган ишлаб чиқариш имкониятлари, Иттифоққа бўйсунувчи корхоналарнинг Ўзбекистон ҳуқуқий тасарруфига ўтказилишини таъминлайди.

Биз кўп укладли иқтисоднётни босқичма-босқич шакллантириш, мулкчилик барча шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги, самарали ривожланиш учун барча турдаги корхоналарга баб-баравар шароит яратиш, меҳнат унумдорлигини таъминловчи омилларнинг мунтазам тизимини яратиш тарафдоримиз. Бу ўринда шундай омилларга устиворлик бериш керакки, булар инсонни ишлаб чиқариш воситалари ҳамда ўз меҳнати натижаларининг соҳибига айлантириш, мустақиллик, тадбиркорликни ва ташаббускорликни рағбатлантириш мақсадига хизмат қилиши лозим.

Буларнинг ҳаммаси мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, айниқса, муайян кўламларда ва соҳаларда хусусий мулкчиликни қўллашни кенгайтириш орқали амалга ошади.

Эски якка ҳокимлик тизимдан мерос қолган халқ хўжалигининг бир ёқлама, фақат хомашё етказиб беришга қаратилган йўналишини бартараф этмасдан туриб, иқтисодни ривожлантириб бўлмайди.

Саноат ва қишлоқ хўжалигида муҳим тузилма ўзгаришларини амалга ошириш зарур. Бунинг учун, энг аввало, қишлоқ турмуш даражасини кўтариш керак.

Зеро, давлат тинчлигининг асосий гарови — ҳар бир оиланинг тинчлигидир. «Бой оила — бой давлат» деган шиор бугун айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, табиат билан уйғунликни сақлаб қолган жамиятгина тарихий ривожланиш истиқболига эга бўлади. Бу хусусда Дастуримиз лойиҳасида экология мувозанати талабларига сўзсиз риоя қилиш, минтақа ва ялпи экология муаммоларини илмий асосланган ҳолда тубдан ҳал этиш каби қатор вазифа қўйилган.

Жамиятнинг маънавий жиҳатдан янгиланишига изчиллик билан ёрдам бериш Халқ-Демократик партияси фаолиятининг ажралмас таркибий қисми бўлиши назарда тутилади. Олдимизда жамиятни эзгулик, адолат, қадр-қиммат, одамийлик, ватанпарварлик тўғрисидаги умумбашарий тасаввурлари асосида янгилаш вазифаси турибди.

Тўла маънодаги қурилиш соҳасида сўзда эмас, балки амалда бунёдкорлик ишига киришиш лозим. Бутун жамият, ундаги барча соғлом кучлар ана шундай фаолият томон интилишларини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Биз, давлат ва жамоат кафолати ва ёрдами бўлмас экан, маориф, маданият ва санъат соҳаларининг бозор шароитида ривож топиши қийин деб ўйлаймиз.

(Давоми учинчи бетда).

Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси таъсис қурултойи

ЎЗБЕКИСТОННИ ЯНГИЛАШДА, УНИНГ СУВЕРЕНИТЕТИ ВА ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА, ХАЛҚ УЧУН МУНОСИБ ТУРМУШ ШАРОИТЛАРИНИ ЯРАТИШДА ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ЎРНИ ВА ВАЗИФАСИ

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

Бу муаммо Ўзбекистонда маданиятни ривожлантиришнинг умуммиллий сиёсатини ишлаб чиқишда ва уни амалга оширишда ўз ифодасини топиши лозим. Бундай дастурни ишлаб чиқишда ташаббусни ўз зиммасига олиш — партиямизнинг бурчидир.

Ҳар бир оила, унинг моддий аҳволидан қатъи назар, мамлакатимиз ва жаҳон маданияти ютуқларидан баҳраманд бўлиши учун қулай шарт-шароитни яратиш бундай дастурга асос қилиб олиниши лозим. Адабиёт ва санъат ходимлари маънавий куч-ғайратига эркинлик бериш, уларни мафкуравий васийлик тазйиқидан ва сиёсий цензурадан халос қилиш, давлат йўли билан уларга мадад бериш ҳам жуда муҳимдир.

Биз миллий маданиятнинг ўзига хослигини тиклашга ғоят катта аҳамият берамиз. Айни пайтда миллий ўзликни англашни таъминлаш жаҳон инсонпарварлик маданияти юксак орзуларидан ва умумбашарий қадриятлардан, кўп миллатли жамиятимизнинг илғор анъаналаридан ажралиб қолмаслиги лозим, деб ҳисоблаймиз.

Маданий ва тарихий мероснинг дурдоналарини эгаллаган шахсни эркин ва уйғун камол топтириш — Ўзбекистоннинг маърифат ва тараққиётининг нурафшон чўққиларига чиқиб олишида асосий таянч бўлиши керак. Ёшлар халқнинг инсонпарварлик анъаналарининг муносиб ворислари бўлишлари учун жамият барча зарур чораларни кўриши лозим. Дастур лойиҳаси бу ишга ҳар томонлама кўмаклашишни кўзда тутади.

Маорифнинг юксак даражаси — чинакам халқ маданиятининг пойдеворидир. Биз республика фуқаролари учун уларнинг миллати, ижтимоий аҳволи, тили, динидан қатъи назар, ўрта, махсус, олий таълим олиш учун имкониятлари тенг бўлиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Дастур лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида аҳолининг турли эҳтиёжларини ҳисобга оладиган муқобил мактаб тўғрисидаги ғояни қўллаб-қувватлаш керак, деган таклифлар айтилди. Буни амалга ошириш демократик таълим-тарбия тизимига мутлақо хос бўлса керак. Бироқ, жамоат мактаби, шубҳасиз халқ маорифида асосий ўрнини эгаллаши лозим.

Бозор шароити ўқув юртлари фаолиятига жиддий тузатишлар киритади, яъни у ўқув юртлари билан мутахассислардан фойдаланувчилар ўртасидаги янги иқтисодий муносабатларни тушуниб етишни ҳамда уларни жорий этишни тақозо қилади. Ишчилар ва мутахассисларнинг касб тайёргарлигига, ишчанлигига, маънавий ва жисмоний хислатларига талаблар, бинобарин, таълим харажатлари кескин ортади. Шу билан бирга партия ўқув юртларини ривожлантиришнинг қийин масалалари ўқувчи ёшлар ёки уларнинг ота-оналари ҳисобига ҳал этилишига йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблайди.

Бундан буён ҳам истеъдодли ёшларни қунт билан излаш ва уларга мадад бериш, бундай ёшларни бошқа республикалар ва хорижий мамлакатлардаги етакчи илмий ва ўқув марказларига юбориш зарур. Бироқ, бевосита республиканинг ўзида ҳунар ўргатишда, илмий тадқиқотларни ташкил этишда умумжаҳон даражасига эришиш бош йўналиш бўлиши керак.

Жамиятга, уни демократиялашга, сиёсий фикрларнинг хилма-хиллигига янги муносабатнинг ўзи партия мафкуравий ишларининг мутлақо янги йўл йўриқлари бўлишини тақозо этади. Уларнинг моҳияти — тарихий ҳақиқат, илмий холислик ва ақидапарастликдан воз кечиш ҳамда миллатчилик ва шовинизмни, сиёсий сафсатабозликни ва экстремизмни қатъий рад этиш, турли дунёқарашларга, дунёни турлича ҳис этишларга, шу жумладан, динга муносабатда сабр-тоқатли бўлишдир.

Кейинги пайтларда диний доираларнинг сиёсийлашуви ҳақида турли гаплар кўпайди. Биз шу кунга қадар диннинг камситилганини кескин қоралаймиз, унга нисбатан таққирлаш муносабати хато бўлганини очиқ-ойдин тан олиш керак. Дин — воқеликнинг ўзига хос ифодаси, муайян дунёқараши тизими бўлиб, катта ижтимоий-маънавий таъсир кучига эга.

Халқ-Демократик партиясининг сафлари, ҳозиргина айтиб ўтганимиздек, барча кишилар учун очиқ бўлиб, унга аъзо бўлиш учун фақат материалистик дунёқараш шарт эмас. Партия динга ишонувчилар билан ўзаро ҳурматли мулоқотда бўлишни таклиф қилади ва уларни ҳаётдан чиқадиган тавсияларини инобатга олиши зарур, деб ўйлайман. Биз турли эътиқоддаги диний бирлашмалар билан умумбашарий маънавий қадриятлар, меҳр-шафқат, миллатлараро тотувликни қарор топтириш соҳасида ҳамкорлик қилиш тарафдоримиз.

Диний-сиёсий ташкилотлар тузиш, у ёки бу динга давлат дини мақомини бериш учун қилинаётган чақириқлар аслида жамиятда яна ўша эски аҳволни тиклашдан яъни яғона мафкура ҳукмронлигини ўрнатишдан бошқа нарса эмас. Бу ҳолнинг қандай оқибатларга олиб боришини сизу биз жуда яхши биламиз. Мафкуравий яккахокимлик ҳукмрон бўлган 70 йиллик тарихимиз бунга яққол мисол бўла олади.

Ҳозир турли сиёсий эҳтиёжларни қондириш учун янгича шароит туғилди. Бу — кўп партияли сиёсий тизимдир. Таъбир жоиз бўлса, ҳар бир инсон ўз Каъбасини ўзи белгилаб олиши керак.

Миллий давлатни мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг бутун мажмуини ҳал этиш ва Ўзбекистон каби кўпмиллатли республикада умумий барқарорликни сақлаб туриш учун миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш керак. Бизнинг эътиқодимизга кўра, инсон ҳуқуқларининг ҳамма томондан эътироф этилган қоидалари барча фуқароларнинг, Ўзбекистонда яшаётган барча халқларнинг қонун олдида тенглиги, миллатлараро муносабатларни мувофиқлаштиришга асос қилиб олиниши лозим. Бу соҳада биз Ўзбекистоннинг барча фуқаролари миллатидан қатъи назар мустақил Ўзбекистон Республикасининг халқи эканлигига асосланамиз.

Ўртоқлар! Инсоннинг миллий туйғулари табиийдир, чунки бу туйғулар ота-онадан мерос бўлиб ўтган, она сути билан сингиб кетган бу ҳиссиётларни она алласида эшитган, бола ўз ота-онасига ва атрофдагиларга айтган илк сўзида ифодаланган.

Ўз халқига, унинг анъаналарига, тилига ва маданиятига муҳаббат ва ҳурматни тарбиялаш билан бирга чинакам инсонни, ўз халқини миллатлар жаҳон ҳамжамиятидаги тенг ҳуқуқли бир халқ деб биладиган ҳолатда тарбиялаш мумкин.

Биз миллийлик ва байналмилалликни бир-бирига қарама-қарши қўймаймиз. Аксинча, барча халқларнинг миллий манфаатларига тобора кўпроқ эътибор бериш ва айни вақтда умумбашарий қадриятларни ҳимоя қилиш, бутун дунёда авж олиб бораётган миллатларнинг яқинлашувини ҳисобга олиш — булар миллатлараро муносабатлар соҳасида устивор бўлиши лозим. Фақат буни четдан зўравонлик билан эмас, балки англаб етилган зарурат сифатида қабул қилиш муҳимдир.

Республикада яшаётган барча миллат кишиларига уларнинг миллий ўзлигини англашларини кучайтириш, ёш авлодни ўз она тилида тарбиялаш, бу халқларнинг маданиятини ривожлантириш, динга ишонувчиларнинг диний эҳтиёжларини қондириш учун барча шарт-шароитни яратиб бериш хусусида ҳар томонлама ва доимий ғамхўрлик қилиш зарур. Биз зич ҳолда яшайдиган миллий гуруҳларга ўз ижтимоий, маърифий, диний ва бошқа уюшмаларини барпо этиш, маданий ва ахборот марказлари ҳамда идораларига, она тилида ўқитиладиган мактабларга эга бўлиш, тарихий ватанлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш имконини бериш тарафдоримиз.

Асрлардан буён давом этаётган халқ анъаналари — фуқаролар ва миллатлар тотувлиги, яхши қўшничилик, ўзаро ҳурмат ва ўзаро ёрдам жамиятни жипслаштириш учун негиз бўлиши керак. Биз донолик ва тажриба манбаи, маданий ва маънавий мерос давомийлигининг кафиллари сифатида кекса авлодни, уруш ва меҳнат фахрийларини ҳурмат қилиш, халқ анъаналарини сақлаб қолиш ва ривожлантириш тарафдоримиз.

Халқ-Демократик партияси Дастурининг лойиҳаси халқни давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи деб қарайди ва шу сабабли партия халқ ҳокимиятини мустаҳкамлаш, давлат ва жамият ишларини бошқаришда фуқаролар фаол иштирокининг турли-туман шаклларини ривожлантириш учун изчил ҳаракат қилиш ниятидадир.

Биз демократия деганда — халқнинг сайловларда ва референдумларда ўз хоҳиш-иродасини эркин изҳор этишини тушунамиз. Қонун лойиҳаларини ва бошқа муҳим қарорларни кенг муҳокама қилишни назарда тутамиз.

Бунда турли фикрлар бир-бири билан таққосланади, аҳоли турли тоифаларининг, барча ижтимоий гуруҳларининг манфаатлари ҳисобга олинади.

Айни вақтда демократия — жамиятда уйғунликка эришиш воситаси холос. Демократик йўл билан қабул қилинган қонун ва қарорлар шу ҳужжатларга онгли равишда ҳурмат билан қараш, кучли ижроия ҳокимияти, турмушнинг барча соҳаларида қатъий интизом ва тартиб ўрнатиш орқали мустаҳкамланмоғи лозим. Ҳамма учун тенг, мустақил, барчанинг эътирофи ва ҳурматига сазовор бўлган одил судлов давлатнинг ва ундаги ҳар бир фуқаронинг манфаатлари ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилинишини таъминлаши керак.

Дунёвий ҳокимият қоидаси — демократиянинг негизларидан биридир. Партия республика қонунлари халқаро меъёрларга мувофиқлаштириб олинишига, инсон ҳуқуқларининг устиворлиги сўзсиз тан олинадиган бўлишига ҳаракат қилади. Фуқароларнинг сўз эркинлиги, виждон эркинлиги, ўз сиёсий эътиқодларини қонунга хилоф бўлмаган ҳар қандай усуллар билан ҳимоя қилиш ҳуқуқига оғишмай риоя этилиши зарур.

Биз умуман барча сиёсий партияларга тазйиқ ўтказиш ваколатларини беришга қатъиян қарши чиқмоқдамиз. Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси бошқа ижтимоий кучлар билан ўзаро муносабатларини фақат ҳамкорлик ва мусобақалашув, иттифоқлар тузиш ва зарур ҳолларда муросага келиш қоидалари асосида қуришни мўлжалламоқда. Партия ўз йўлини давлат ҳокимияти идораларига сайланган партия аъзолари орқали ўтказишни кўзламоқда.

III. Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси Низоми— фуқаролар жамиятида партия турмуши қонуни

Азиз дўстлар!

Низом лойиҳаси устида иш бораркан, жамиятшунос олимлар билан, ижодкор зиёлиларнинг намояндалари, аҳолининг турли табақалари , фаҳрийлар билан маслаҳат ва мунозаралар ўтказилди. Мана шуларнинг натижасида барча демократик муддао ва тажрибалар, дастлабки муҳокама даврида айтилган деярли ҳамма муҳим фикр ва ғоялар инобатга олинди.

Шу асосда Лойиҳанинг **муқаддимасида партия ижтимоий аҳволидан, насл-насабидан, миллати ва динидан қатъи назар, меҳнат аҳлининг манфаатларини ифодалайди ва қаттиқ туриб ҳимоя қилади, деб аниқ белгилаб қўйилди.**

Партияга аъзоликни тартибга соладиган қоидалар турли нуқтаи назарларни ва янги партия ташкилотлари фаолиятининг хусусиятларини эътиборга олиб ишлаб чиқилди.

Партиянинг омма билан алоқасини мустаҳкамлаш мақсадида бу қоидалар имкони борича соддалаштирилди. Халқ-Демократик партиясига аъзолик фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини, шу жумладан виждон эркинлигини, даҳрий ёки диндор бўлиш ҳуқуқини чекламаслиги энг муҳим қоидалардан биридир.

Юқорида айтиб ўтилганидек, **парламент фаолияти партия ва ундаги барча бўғинларнинг бош вазифасидир.** Бу вазифа лойиҳада қуйидагича баён этилган:

— республиканинг барча ваколатли органлари ва ижтимоий ўзини ўзи бошқариш органларига сайлаш учун партия кўрсатган номзодларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, партиянинг дастурий мақсадлари ҳамда унинг сиёсати теварагида ижобий жамоатчилик фикрини шакллантириш учун сайлов органларида аҳоли билан ишлаш;

— аҳоли барча табақалар ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини ифодалаш, партиянинг дастурий ва сиёсий ҳужжатларини ишлаб чиқиш чоғида шу манфаатларни эътиборга олиш, сайлаб қўйилган ҳокимият органларида Халқ-Демократик партияси гуруҳлари, фракциялари фаолиятини шунга биноан мувофиқлаштириб бориш.

Мана шу вазиятлар ҳисобга олиниб, ҳудудий бошланғич ташкилотлари партиянинг негизи деб қабул этилади. Бундай ташкилотлар район, шаҳар даражасида ҳокимият ва ўзини-ўзи бошқариш органлари сайловини ўтказувчи бир ёки бир неча сайлов округи доирасида тузилади.

Айни вақтда лойиҳада мазкур партия ташкилотларини Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар даражасидаги олий ҳокимият органлари сайловини ўтказувчи сайлов округлари доирасидаги йириқроқ округ ҳудудий гуруҳларида бирлашишлари имконияти кўзда тутилади. Район, шаҳар партия ташкилотларининг ижроия органлари бу гуруҳларнинг ишини мувофиқлаштириб туриши назарда тутилади.

Шундай қилиб, қишлоқлар, қўрғонлар, маҳаллалар, кварталлар, шаҳарлардаги микрорайонларнинг бошланғич партия ташкилотлари партия ташкилотининг асосий шакли бўлади. Улар ҳудудларга қараб район, шаҳар, вилоят, Қорақалпоғистон Республика партия ташкилотларига бирлашадилар. Шуни мамнуният билан қайд этамизки, ҳозирнинг ўзидаёқ мана шундай тузилмаларни вужудга келтириш жараёнлари бошланиб кетди ва кучайиб бормоқда.

Партияни ташкил қилиш қоидалари тўғрисидаги бўлимда партия барча бўғинларининг ички турмушдаги ва фаолиятдаги аҳамияти ҳамда мустақиллигини ошириш тўғрисидаги қоидалар энг асосийларидир.

Партиянинг раҳбар ва ижроия органларини сайлаб қўйиш қоидаларини имкони борича демократиялаш таклиф этилмоқда. Қуйи район ташкилотлари аъзолари кўпчилигини тенг меъёр асосида бевосита вакил қилиб юбориш тарзида қуйидан юқоригача сайлаб қўйиш қоидаси бунга асос қилиб олинади. Лойиҳани муҳокама қилиш чоғида мана шу қоидалар маъқулланди.

Турли ижтимоий гуруҳларнинг кайфияти ва манфаатларини аниқлаш зарурлигини эътиборга олиб, Низомда сиёсий қизиқишлар ва касб-корлик бўйича партия бирлашмалари каби горизонтал тузилмаларни барпо этиш имконияти ҳам аниқ-равшан таклиф этилади. Бундан ташқари, қонунларга хилоф бўлмаган жойларда ва меҳнат жамоаларининг розилиги билан ишлаб чиқаришда бошланғич партия ташкилотларини тузиш имконияти ҳам истисно қилинмайди.

Жаҳонда ҳамма эътироф қилган тажрибага асосланиб, партиянинг раиси лавозими жорий этилади. Партия Раиси — унинг раҳбари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида (партия қонунга биноан рўйхатдан ўтганидан кейин) ушбу лавозимга унинг расмий номзоди бўлади.

Партиянинг бошқа сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар билан ўзаро алоқаси унинг фаолияти учун муҳимдир. Халқ-Демократик партияси демократия ва ижтимоий адолат нуқтаи назарида турган барча ижтимоий кучлар билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини билдиради. У касаба уюшмалари, бошқа жамоат ташкилотлари ва оммавий ҳаракатлар билан ўз муносабатларини сиёсий ҳамжиҳатлик ва тенг шерикчилик, ўзгаларнинг фикрини ҳурмат қилиш асосида қуради.

Партия келажакни кўзлайди. Модомики шундай экан, ёшлар **партиянинг асосий таянчи бўлиб қолишлари керак.** Айни ёшлар республиканинг тақдирини қўлга олишлари, уни тараққиёт ва равнақ сари дадил бошлаб боришлари керак. Шу сабабли лойиҳада партия ва ёшлар деган махсус боб ажратилган. Ёшлар билан ишлашда, уларга оид сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда партия ташкилотлари ёшлар ташкилотлари билан баҳамжиҳат ҳаракат қилиб, уларга кўмаклашадилар.

Низом лойиҳасини тайёрлаш чоғида комиссияга жойлардан Низомнинг айрим қоидалари юзасидан 300 дан ортиқ таклиф ва тузатишлар тушди. Уларнинг кўпчилиги делегатлар эътиборига тақдим этилган. Лойиҳада эса ҳисобга олинган.

Айни вақтда бир қанча таклифлар юзасидан маслаҳатлашиб олишимиз зарур.

Кўпгина партия ташкилотлари Низомда партиянинг социалистик йўлга ва коммунистик истиқболга содиқлиги эътироф этилсин, деб талаб қилмоқдалар. Ташкилий комитет шу таклифларни кўриб чиққанида КПСС ҳукмрон юқори табақасининг шу ғояларни амалга оширишга ақидапарастлик ва ўзбошимчалик билан ёндашувлари кўп жиҳатдан аксарият кишиларнинг кўз ўнгида бу ғояларнинг обрўсини тўкиб юборганини эътиборга олди. Бунинг устига, ижтимоий фанлар жаҳонда ва жамиятимизда рўй бераётган жараёнларни назарий идрок этиш соҳасида орқада қолганлиги ҳозир бу тушунчаларни шу куннинг воқеликларига мос келадиган мазмун билан тўлдириш имконини бермаяпти.

Тараққийпарвар демократик оқимга мансуб бўлган кўпгина сиёсий, шу жумладан, социалистик интернационалга кирувчи бир қанча партиялар ҳам ўзларининг дастурий ҳужжатларида фуқароларнинг иноқлиги, тенглиги, ижтимоий адолат қоидаларига асосланган жамиятни ҳозирги капитализм муқобили тарзида таклиф этмоқдалар. Комиссия тарих тажрибасига ва республика халқининг анъаналарига, кейинги йилларда вужудга келган ғоялар ва фикрларга асосланиб, шунингдек бошқа сиёсий партиялар тажрибасини эътиборга олиб, кўплашиб ишлаш жараёнида партия республика барча фуқароларининг куч-ғайратларини бирлаштириб, барпо этмоқчи бўлган жамиятнинг энг мақбул таърифини топишга муваффақ бўлди. Чунончи — **сиёсий ва иқтисодий озодлик, демократия, тенглик ва ижтимоий адолат жамиятини барпо этиш мақсади қўйилди. Бу жамият ҳар бир кишига ўз сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмуши шаклларини эркин танлаб олишига кафолат берадиган, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ночор табақалари ҳимояланишини таъминлайдиган жамият бўлади.**

Шу сабабли Низомда сиёсий ва иқтисодий эркинлик, демократия, тенглик ва ижтимоий адолат принципларига асосланган жамиятни барпо этиш ғояларига партиянинг ҳамиша содиқлиги ҳақидаги таърифни сақлаб қолиш мақсадга мувофиқдир.

Кўпгина кишилар Низомга: янги партия Ўзбекистон Компартиясининг ҳуқуқий ворисидир, Компартия аъзолари қайтадан рўйхатга олинади, яъни очиғини айтганда, ўз-ўзидан янги партияга ўтади, деган гапни ёзиб қўйишни таклиф қилмоқдалар. Ташкилий комитетнинг фикрича, бу масалаларни ўтиш даври мобайнида фавқулодда XXIII қурултой қарорлари ва унинг Баёноти доирасида бемалол тартибга солиш мумкин. Низом узоқ даврга мўлжалланган бўлиб, унга қисқа ўтиш даврига хос қоидаларни киритиш, бизнингча мақсадга мувофиқ эмас.

Ниҳоят, яна бир қанча таклифлар борки, улар ё Низомга хос бўлмаганлиги ва меъёрий-усулий ҳужжатларда тартибга солиниши лозимлиги, ёҳуд тегишли ташкилотлар томонидан ўзларига Низом бериб қўйган ваколатлар доирасида мустақил ҳал этилиши мумкинлиги сабабли эътиборга олинмади.

IV. Янги партияни ташкилий расмийлаштиришни ниҳоясига етказиш ва аҳоли орасида унинг обрў-эътибори учун кураш—биринчи галдаги вазифалардир

Ўртоқлар!

Янги партияни тузиш ҳақида таъсис қурултойининг қарорлари, унинг Дастури ва Низоми тасдиқланиши — уни ташкилий жиҳатдан расмийлаштиришнинг илк босқичи, холос. Бу босқичда ўтказилган йиғилиш ва конференциялар тегишли ташкилотларни тузиш масалаларинигина ҳал этгани сизларга маълум. Энди янги Низомга мувофиқ сайлаб қўйиладиган органларни тузиш керак. Бу жараён ҳам таъсис қурултойига тайёргарлик каби қуйидан — бошланғич партия ташкилотларидан бошланиши керак.

Барча даражалардаги Кенгашларда партия гуруҳлари, фракцияларини Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг аъзолари тарзида рўйхатдан ўтган депутатлар орасида тузиш масалалари билан ҳам зудлик билан шуғулланиш лозим.

Ҳуқуқий ворислик муносабати билан бир қанча молиявий ва мулкий масалалар ҳал этилиши тақозо қилинмоқда. Бунинг учун манфаатдор томонларнинг қўшма комиссияларини тузиш мақсадга мувофиқ бўлади. Аъзолик бадалларини тўлашда тегишли тартиб ўрнатиш, молиявий аҳволимизни мустаҳкамлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиниши керак.

Яқин вақт ичида партиянинг марказий раҳбар органлари маҳаллий партия ташкилотларининг фикрини ҳисобга олиб, ишчи аппаратининг тузилиши ва унинг вазифаларини узил-кесил белгилаб олишлари, шу аппаратни тузишга киришишлари, партия билетларининг бланкаларини чиқариш ва шу каби масалаларни яқин вақт ичида ҳал этишлари зарур.

Қатъий қилиб айтганда, янги тузилган партия ўз Низоми ҳуқуқий жиҳатдан рўйхатга олингандан кейингина мана шу масалаларнинг ҳаммасини ҳал этишга ҳақлидир. Чамаси, партия Марказий Ижроия Қўмитаси шу масалада ариза бериши, зарур бўлган ҳамма ҳужжатларни жуда қисқа муддатда тайёрлаб, адлия вазирлигига тақдим этиши тўғри бўлур эди.

Таъсис қурултойи қарорларини, у қабул этган Дастур ва Низомни тушунтириш ишларини зўр ғайрат билан ташкил этиш ва шу асосда Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси сафига янги аъзоларни жалб этиш бундан буёнги масалалар жумласига киради. Бу — одамлар орасида ҳафсала билан, ҳеч эринмай иш олиб боришни талаб қилади. Барча ишни изчиллик билан ўтказиш, ҳар бир кишининг, айниқса, кексаларнинг дилига йўл топиш лозим.

Бу ишда кейинги йилларда бизга одат бўлиб қолган ортиқча расмиятчиликка йўл қўйиш ярамайди. Аммо, талабчанлик ҳам оширилиши керак. Гап шундаки, биз ҳар қандай кишини ҳам янги партияга қабул қила олмаймиз. Айрим нопок, сиёсий ғўр кишилар партия сафларига кириб олиб, унинг обрў-эътиборига путур етказишлари мумкин.

Тузилаётган ва шу пайтгача тузилган ташкилотларга таяниб, дастурий мақсадларни аҳоли ўртасида тарғиб қилишни авж олдириш зарур. Навбатдаги сайловни кутиб турмай, ҳозирнинг ўзидаёқ одамларнинг ишончини қозониб, уларни ўз тарафимизга ўтказиб олайлик. Дастурий мақсадларимизга қўшилсалар ҳам, ҳозирча партияга аъзо бўлиб кирмаган кишилар орасидан хайрихоҳлар гуруҳларини тузиш бу ишнинг яхши усули бўлиб қолиши мумкин.

Бу ишларнинг ҳаммасини биз кескин ва мураккаб шароитда ўтказишимизга тўғри келмоқда. 1991 йилнинг охирги чораги ўтиб бормоқда. Бу йил қанчалик оғир ўтаётганини, қишга тайёргарлик нақадар қийин кечаётганини ҳаммамиз яхши тушуниб турибмиз. Шу сабабли янги партиянинг аъзолари бўлганимиз учун ҳам биз халқ хўжалигининг барча тармоқларида йил натижалари қандай бўлиши учун масъулиятни зиммадан соқит қила олмаймиз. Акс ҳолда, биз халқнинг шу кундаги ташвишларидан ва унинг ўзидан ҳам узоқлашиб қоламиз. Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди. Шу боисдан жойларда ўтказилаётган иш зарур меҳнат маромини давом эттиришга, қишга пухта тайёргарлик кўриш учун шароит яратишга ҳам кўмаклашадиган бўлсин.

Воқеаларнинг ривожланишига қараганда, партия барча бўғинларининг иши мураккаб вазиятда ўтади. Шу сабабли партиянинг мақсадлари ҳақида аҳоли ўртасида тўғри, одилона, холисона фикрни вужудга келтириш жуда муҳим вазифадир. Халқ-Демократик партияси ўзининг бутун куч-ғайратини Ўзбекистон давлат мустақиллигини таъминлашга, республика ҳудудида яшаб турган ҳар бир кишининг тинч меҳнати ва осойишта турмуши учун шароит яратишга қаратади.

Халқ жуда чарчади. Сабр косаси тўлиб-тошди. Қуруқ гап ва қуруқ ваъдалар жонига тегди. Халқимиз бизнинг бўлиниб кетишимизни эмас, балки бирлашишимизни кутади. Жамиятдаги барча соғлом кучлар бирлашса, ана ўшанда бугунги оғир тангликдан чиқишимиз, Ўзбекистонда яшаётган инсонларга муносиб ҳаёт шароити яратиб беришимиз мумкин.

Айтилган барча гапларга якун ясаш пайти келди. Мен шу ерда бир нарсани алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман:

— **Бугунги кескин сиёсий, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий шароитда халқ яратувчилик йўлини, оғир тангликдан чиқиш йўлини тўғри ва аниқ кўрсатиб берадиган партияга эргашади.**

Бундай партия халқни боқиш, уни кийинтириш ва меҳнат билан таъминлаш борасида аниқ Дастурга эга бўлиши шарт.

Бу Дастур инсонларнинг ҳақ-ҳуқуқи ва шахсий хавфсизлигини, жумҳуриятдаги миллатлар ва фуқаролар тотувлигини таъминлашга, ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқ ва ҳар бир хонадонда тинчлик ва тўкинликни барқарор этишга хизмат қилиши керак.

Мана шу буюк ва оғир вазифаларни бажаришга қодир партия халқ орасида ҳақиқий обрў топади. Бугун тузилаётган Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси бу ҳақиқатни ҳамма вақт, ҳамма жойда ва ҳар қандай шароитда ҳам унутмаслиги керак.

Ҳозир шундай пайт келдики, энди Ўзбекистоннинг мустақиллиги йўлидаги амалий ишлар чин ватанпарварликнинг жиддий мезони бўлади. Ҳеч ким бизни бу йўлдан қайтара олмайди, бинобарин, биз тузаётган янги партия мана шу олийжаноб ишга хизмат қилиши керак.

Халқимизнинг бугунги ва келажак тақдирини ҳал қиладиган мана шу курашда ҳаммамизга омад ёр бўлсин.

● ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИ ЗАЛИДАН РЕПОРТАЖ

ЭЛ ДАРДИДАН БОШҚА ДАРДИ ЙЎҚ

ХИЗМАТ вазифам тақозоси билан республика миқёсидаги жуда кўп йиғинларда иштирок этишимга тўғри келган. Бироқ бу галги партия қурултойидек ўткир мунозара, баҳс ва тортишувлар билан ўтган анжуманни кам кўрганман. Бу мунозара ва мусоҳабалар эрта билан ҳали мажлис бошланмасиданоқ таъсис қурултойи ўтадиган сарой ҳовлиси ва фойеларида бошланиб, асосий маъруза тугаши билан музокарада қатнашган нотиқларнинг нутқларида, сўнгра эса танаффус пайтларида залдан чиқиб, сарой йўлакларида давом этди. Партия ташкилотларидан келган вакиллар қайси соҳада ва қандай лавозимда ишлаётганидан қатъи назар тўп-тўп бўлиб, Халқ-Демократик партияси ва унинг дастурий ҳужжатлари ҳақида ўз фикрларини, маслакдошлари йиғинда албатта айтишни вазифа қилиб топширган таклиф ва мулоҳазаларни ўртага ташладилар. У ер-бу ерда давра-давра бўлиб ўтказилаётган бундай суҳбатларда тилга олинаётган мавзунинг кўлами ғоят кенг эди. Кимдир Ўзбекистон республикасининг давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳонда муносиб ўрин эгаллаши учун нималар қилиш лозим эканлиги тўғрисида сўзласа, ҳамсуҳбати инсоний демократик жамият барпо этиш, республиканинг ўзига хос хусусиятлари ва анъаналарини ҳисобга олиб, бозор муносабатларига ўтиш тўғрисидаги таклиф ва мулоҳазаларини ўртоқлашарди. Мен ҳам ана шундай суҳбатларга қўшилиб, делегатларнинг гапларини ён дафтаримга ёзиб оламан. Мана Чуст пахта тозалаш заводидан келган ишчи У. Ҳайдаров. Унинг сўзларига қулоқ солганман, «ҳозир ҳамма сиёсат илмини чуқур сингдириб олган сиёсатбонга айланиб кетган» деган гапнинг нақадар тўғри эканлигига ишонч ҳосил қиламан.

Оддий ишчи собиқ Компартия йўл қўйган хато ва камчиликларни нақадар тўғри баҳоламоқда. У ҳам Компартиянинг аъзоси эди. Гарчи, у партия юқори табақа ходимларининг сиёсатига аралашмаган бўлса ҳам шу сиёсатнинг уқубатларини бошдан кечирган.

— Компартия амалда ҳоким партия, айтгани айтган, дегани деган сиёсий ташкилот эди,—дейди у даврадош маслакдошларига, — ҳамма айб—демократик централизм деган балода бўлди. Ана шу қоида амалда ишлайдиган кишиларни тишлайдиган бир қисм одамларга қарам қилиб қўйди. Айтмоқчиманки, мана шу сабаб бўлиб партия раҳбарияти оддий коммунистлар наздида ўз обрўсини йўқотди. Халқ эса бутун партияни ҳурмат қилмай қўйди. Мана шулар ҳам Компартиянинг умри тугашига, ич-ичидан емирилишига олиб келди. Хўш, мен бу билан нима демоқчиман? Бугун республикада янги Халқ-Демократик партия ҳаётга кириб келаётган экан, у аввалги партиянинг иллатларини сира ҳам ўзига яқинлаштирмаслиги, халқ маъқуллаган барча қимматли ва илғор нарсаларни мерос қилиб олиши, фаолият жиҳатдан тамоман янги сиёсий ташкилот бўлиши керак. Токи, адолат, эзгулик, тенглик, эркинлик каби умуминсоний идеаллар, ахлоқ ва инсонпарварлик принциплари мана шу партиянинг суянган тоғлари бўлсин.

Қурултой бошланишидан олдин фойеда кўринишидан оддий ва камтарин аёл—Надежда Горшкова билан танишган эдим. У Ворошилов районидаги Карл Маркс номли жамоа хўжалигида чорвадор бўлиб ишлайди. Ўзи район кенгашининг депутати. Айтишича, 11 йилдан бери чорвачилик билан шуғулланиб келяпкан. Собиқ коммунист, энди эса хўжаликда биринчи бўлиб Халқ-Демократик партиясига аъзо бўлибди. У ҳам мана шу даврада турибмаслакдошларининг сўзларига диққат билан қулоқ солади. Онда-сонда бўлсада, лўкма ташлайди, ўз фикрини айтгиси келади. Мулойимлик билан Ҳайдаровнинг мулоҳазасини ривожлантириб, далилларини ўртага ташлайди.

— Ҳар қандай партия ҳам ўзи қабул қилган қарорларнинг ижросини таъминласагина, халқнинг наздида обрў қозона олади — деди у. Янги партиямиз ҳам мана шунга қатъий амал қилиши лозим. Токи, демократик йўл билан қабул қилинган қарорлар ва қонунлар ана шу ҳужжатларни жойларда кучли ижрочилик ҳокимияти билан мустаҳкамлаши керак. Бошқача айтганда, қарор қабул қилиндимми, у энг аввало қандай лавозимда бўлмасин, ҳар бир партия аъзоси уни албатта ижро қилиши зарур. Мен ҳозиргина республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг маърузасини тинглар эканман, масаланинг ана шу томонига алоҳида урғу берилиши лозим, деган фикрга келдим. Яна шуни ҳам айтишимиз керакки, баъзи кишилар даврасида Халқ-Демократик партиясига фақат ўзбекларгина аъзо бўлиб киради, бошқа миллат кишиларига эса бундай партияга киришнинг ҳожати йўқ, деган гаплар ҳам бўлаётганди. Бу албатта бузғунчилардан, турли хил аламзадалардан тарқалаётган писмиқ гаплар эди. Ҳозир мажлис пайтида залга қараб ўтириб, ўз-ўзимдан қувониб кетдим. Чунки делегатлар орасида ўзбеклар ҳам, руслар ҳам, украин, қозоқ, қирғизлар ҳам, қўйингчи, жуда кўп миллат вакиллари қатнашаяпти. Булар дарёдан томчи. Жойларда уларнинг сони жуда кўп. Демак, партиямиз—байналмилал партия. Мен Дастур лойиҳасини диққат билан ўқир эканман, партиямизнинг олий мақсади инсоннинг қайси миллатга мансублигидан, ижтимоий аҳволи ва келиб чиқишидан, дини ва эътиқодидан қатъи назар унга нисбатан ижтимоий адолатни таъминлаш энг муносиб турмуш ва меҳнат шароитларини яратиб бериш, ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш, ор-номуси ва қадр-қимматини, хавфсизлигини ҳимоялашдан иборат эканлиги алоҳида бўрттириб ёзиб қўйилганлигидан қониқиш ҳосил қилдим...

Қўшни даврадаги суҳбатда ўзининг дадил фикрлари билан кўпчиликнинг эътиборини қозонган хушрўйгина аёлни — Раъно Истамовани танидим. У Бухорода ипгазлама ишлаб чиқариш бирлашмасидаги илғор ишчилардан бири. Ёш бўлса ҳам кўпчиликка бош. Бирлашма раҳбарияти унинг тажрибали тўқувчилигини эътиборга олиб, йигирув-тўқув фабрикасида инструктор, яъни ишчиларга мураббий қилиб тайинлади. Раъонинг ончалик кўп бўлмаган меҳнат фаолияти давомида юздан зиёд малакали ишчилар етишиб чиқди. Улар ҳозир Р. Истамовани устоз деб ҳурмат қиладилар. Ўнғайини топиб, Раъно Истамова билан бироз суҳбатлашаман.

— Биласизми, кейинги пайтларда тартиб ва интизом сўзи кундалик ҳаётимизда истеъмолдан чиқиб кетди, — деди у. — Бутун мамлакатда турмуш жуда ҳам машаққатлашиб кетганида, тақчиллиқда мана шу интизомнинг унутиб қўйилгани сабаб бўлаётгандир. Ўзбекистон тўғрисида бу гапларни айтиш балки жоиз эмасдир. Аммо бутун мамлакатдаги воқеалар бу фикрнинг тўғрилигини тасдиқлаб турибди-ку. Мен мана шуни эътиборга олиб, партиямиз биринчи навбатда турмушнинг барча соҳаларида тартиб ва интизомга риоя қилишни қатъий қилиб қўйишини ва шу йўлда изчиллик билан иш олиб боришини истардим. Сир бўлса ҳам айтай. Қурултойда сўзга чиқишга жиддий тайёрланиб келганман. Нутқимнинг мавзуи ҳам мана шу мазмунда бўлади.

Мана шундай давраларда ҳар ким ўз дардини айтиши одат бўлиб қолган Шаҳрихон район кенгашининг раиси Зокиржон Усмонов билан суҳбатлашамиз. У район ҳудудида 70 та бошланғич партия ташкилотлари тузилганлиги, шулардан 26 таси ҳудудий ташкилотлар эканлиги, 1450 киши янги партияга аъзо бўлиб кирганлигини гап орасида айтган бўлса ҳам район хўжаликлари эришган ютуқларга кўпроқ урғу беришга ҳаракат қилди. Маълум бўлишича, Шаҳрихон райони хўжаликлари давлатдан 35 миллион сўм қарз бўлиб қолган экан. Пахта харид нархининг ошгани сабабли қарзлардан қутилиб, 40 миллион сўм даромад олинибди. Район 19 октябрда пахта тайёрлаш йиллик режасини бажарган. Ҳар гектар ердан 33 центнердан ҳосил олинган.

— Булар-ку районнинг ички ишлари. Партия ҳақидаги, унинг Дастури ва Низоми тўғрисидаги фикрингизни айтсангиз?

— Ҳозиргина асосий маърузада Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг сиёсати — халқ манфаатларини ифодаловчи сиёсатдир деб айтилди. Партия олиб борадиган ишларнинг мазмун ва мундарижаси мана шу бир оғиз жумлада ифодалаб берилган. Айтадиган гапим битта — партиянинг қарорларини амалга оширишда ҳаммамиз ҳам жон-дилдан хизмат қилишимиз керак.

Танаффус пайтидаги мана шу суҳбатлар чоғида Нишон районидаги Чўли Бегимқулов номли давлат хўжалиги бошланғич партия ташкилоти котиби Истам Мўминов, Самарқанд темирйўл станцияси локомотив депосининг машинисти Юрий Верхотуров, Вобкент районидаги «Октябрь» колхози механизатори Н. Шодиев, Гулистон шаҳридаги 2535-автокорхона шофёри Абдухофиз Бобоев, Навоий шаҳридаги парранда чилик фабрикаси директори Ефим Колтун ва бошқалар билан ҳам суҳбатлашдик. Ҳамманинг фикри ягона: Халқ-Демократик партияси ўз номи билан халқ партияси. Халқ билан бу партияни бир-биридан сира ҳам ажратиб бўлмайди. Республика мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида ушбу партия олдида турган вазифалар ғоят катта. Уни амалга оширишда партиянинг ҳар бир аъзоси даҳлдор бўлиши керак.

Р. ТУРСУНОВ,
«Ўзбекистон овози»нинг таъсис қурултойдаги мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жумҳурият ёшларини армияга чақириқни ва уларнинг ҳарбий хизматни ўташини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги 1991 йил 4 сентябрь фармонини бажариш юзасидан «1991 йил октябрь-декабрь ойларида фуқароларни ҳақиқий ҳарбий хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Унда республика фуқароларини 1991 йил октябрь—декабрь ойларида СССР Қуролли Кучларига, чегара ва ички қўшинларга чақириш СССР Мудофаа вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўртасида тузилган битимда белгилаб қўйилган миқдорга ва ҳарбий округларга мувофиқ амалга оширилиши тўғрисида гап боради.

Фуқароларни ҳақиқий ҳарбий хизматга навбатдаги чақириқни ташкил этиш ва ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги зиммасига юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ижрокомлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитетига қуйидагилар топширилди:

— Оиладаги ёлғиз ўғил бўлган фуқаро, шу оилада ундан ташқари меҳнатга лаёқатли қизлар бўлган тақдирда ҳам, шунингдек акалари ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган ва ўтаган кенжа ўғилни муддатли ҳарбий хизматга чақиришдан озод қилиш, уларни захирага ўтказиш;

— Чўпонлар шу касбда ишлаётган даврда уларни муддатли ҳарбий хизматга чақирмаслик;

— Бир вақтнинг ўзида бир оиладан иккита ёки ундан кўп ака-укалар армияда хизмат қилишига йўл қўймаслик, эгизак ўғиллар ва ихтиёрий равишда хизмат қилиш истагини билдирганлар бундан мустаснодир;

— Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жойлашган ҳарбий-қурилиш қисмларига юбориш учун чақириш ҳам тақиқланди. Қарорда армияга чақирилувчиларни тиббий кўрикдан ўтказишга алоҳида эътибор берилди, йигитларни чақириш мумкин бўлмаган касалликлар рўйхати кенгайтирилди. Бу муаммолар май ойидаёқ мамлакат Мудофаа вазирлиги олдига қўйилди ва қисман ҳал этилди.

Фақат ҳозир, Ўзбекистон Республикаси мустақил суверен давлат бўлганидан сўнг бу муаммоларни мумкин қадар тўла ҳал этиш мумкин бўлиб қолди.

— Ҳарбий округларга, флотларга, Қуролли Кучларнинг турлари қўшилмаларига Ўзбекистондан чақирилган ва захирага бўшатилган жангчиларни ташкилий равишда Тошкентга жўнатишни таъминлаш вазифаси билан вакиллар юбориш;

— Ўзбекистон Фуқаро авиацияси бошқармаси, Ўрта Осиё Темирйўл бошқармаси ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда захирага бўшатилган жангчиларни ташкилий равишда кутиб олиш ва уларни доимий истиқомат жойига ёки СССР Қуролли Кучлари турларининг қўшилмалари билан келишилган пунктларгача кузатиб қўйишни таъминлаш;

— Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган СССР Ички ишлар вазирлиги ички қўшинларини фақат Ўзбекистондан чақирилганлар билан тўлдириш;

— 1991 йилнинг ноябрь—декабрь ойларида муқобил хизматга чақирилиши лозим бўлган фуқароларни хизматни ўташ учун республика халқ хўжалиги иншоотларига юбориш.

Ҳукумат қарори яқинда тузилган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигига катта ваколатлар беради. Бу вазирлик эндиликда маҳаллий Советларнинг ижрокомлари билан биргаликда ўзбекистонлик йигитларни армияга чақириш билан шуғулланади. Чақириш жойларида тегишли тиббий комиссиялар тузилади, улар ҳар бир йигитни диққат билан текширадилар.

Шу йил кўздан бошлаб ёлғиз ўғиллар армияга чақирилмайди. Акалари ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган ёки ўтаган бўлса, оиладаги кенжа ўғил хизматга бормайди, чунки миллий анъанага кўра асрлар давомида кенжа ўғил оилада қолиб, кекса ота-онаси тўғрисида ғамхўрлик қилган, хўжалик юритган, одатда ота-она мулки унга мерос қолган. Чўпонлар шу касбда ишлаётган даврда муддатли ҳарбий хизматга чақирилмайдилар.

Ҳужжатда ўзбекистонликлар хизмат қиладиган қисмлар жойлашган жуғрофий номлар тўғрисида ҳам гап борадиган банд мавжуд.

Ўзбекистон Республикасидан чақирилган йигитлар фақат Туркистон, Волгабўйи — Урал ҳарбий округлари ва Тинч Океан флоти қўшинларини, Шимолий ва Ғарбий қўшинлар гуруҳларини, Узоқ Шарқ округини, Ҳарбий-Ҳаво Кучларини, Стратегик ракета қўшинларини, Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларини ва Приморье алоҳида чегара округи қўшинларини тўлдириш учун юборилиши, ўзбекистонликлар хизмат қиладиган жойлар 60 даража шимолий кенгликдан Шимолга ўтмайдиган районлар билан чекланиши лисанда қилиб қўйилган.

Гап шундаки, ана шу округларнинг қўмондонлиги билан мустаҳкам икки томонлама алоқалар ўрнатилган, Ўзбекистон вилоятларининг делегациялари шу округларга тез-тез борадилар. Иқлим зонасини кескин ўзгартиришни тавсия этмаётган табобат ходимларининг фикри муҳим аҳамиятга эга — иқлим шароитини кескин ўзгартириш Ўрта Осиё республикалари аҳолиси чалинган сурункали кўпгина касалликларни кучайтириб юборади.

Ҳарбий-қурилиш қисмлари ва бўлинмаларига чақирилган йигитлар фақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хизмат қиладилар.

Армияга чақирилувчиларнинг ота-оналари учун яна бир қувончли янгилик бор. Республикада ва вилоятларда махсус комиссиялар ишлаб турибди, улар йигитларни армияга жўнатиш ва кутиб олиш билан шуғулланади. Комиссиялар таркибида ҳарбий комиссариатларнинг, район ижроия комитетларининг вакиллари, уруш ва меҳнат фахрийлари бор. Бу соҳада ҳам муаммолар оз эмас. Одатда армияга кузатиш байрамга айланади, юртдошлар бутун маҳалла кузатиб қўяди. У билет, овқат ташвишини қилмайди, бу ҳақда армия ғамхўрлик қилади.

Ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаб бўлган аскар қисм дарвозасидан чиққанидан сўнг унинг ҳоли не кечади? Одатда у ўз ҳолига ташлаб қўйилади, самолётга билет сотиб ололмайди, чунки пули етмайди. Поездга билет олиш ҳам осон эмас. Ота-оналар фарзандлари тўғрисида ташвиш чекмасликлари учун ана шу масалаларнинг ҳаммасини ҳал этадиган комиссиялар тузилди.

Ноябрь—декабрь ойларида муқобил хизматга чақирилиши лозим бўлган фуқаролар хизматни ўташ учун республика халқ хўжалиги иншоотларига юборилади.

Армияга чақиришнинг янги қоидалари Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг, Президентининг фарзандларимиз тақдири ҳақидаги ғамхўрлигидир. Бу ғамхўрлик ўз ўғиллари учун ташвишланаётган кўп оилаларни хурсанд қилади, уларнинг тақдири учун хавотирлик туйғуларини бартараф этади, деб ўйлаймиз. Йигитлар армияда хизмат қиладиган икки йил ҳамюртларимиз учун жуда узоқ ва оғир туюлмаслигини истаймиз.

(ЎзТАГ).

ҚАРОРГА ШАРҲ

Қарорнинг лўнда моддалари ортида Ўзбекистондаги оилалар учун жуда кўп долзарб муаммоларни ҳал этиш турибди. Бу муаммолар тевараги да сўнгги вақтда митингларда ҳам, матбуотда ҳам кўп баҳс-лар бўлди, бу муаммолар ҳар куз ёки баҳорда — муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақириқ вақтида ҳар бир оилани, ҳар бир онани ташвишга солади.

Бу йил кузги чақириқдан бошлаб чақирилувчиларни танлашнинг янги қоидалари кучга киради. Бу йил кузда чақирилиши лозим бўлган йигитлар сони ўтган йилларга нисбатан деярли икки баравар камайтирилди.

Нималар ҳисобига камайтирилди? Гап шундаки, олдинги йилларда мамлакатдаги болалар энг кўп бўлган республикамиздан йигитлар армияга юқоридан белгилаб қўйилган миқдорда олинар эди. Лекин Ўзбекистондан армияда хизмат қилаётганлар одатда бошқа республикалар ва умуман мамлакатдагига нисбатан фоиз ҳисобида анча кўп эди. Бунинг устига армияга чақириш чоғида миллий анъаналар, йигитларимиз ўсиб улғайган иқлимнинг ўзига хос жиҳатлари ҳисобга олинмасди. Бошқа ижтимоий масалалар ҳам эътиборга олинмас эди. СССР Мудофаа вазирлигининг ана шу эътиборсизлик билан муносабатда бўлиши, республиканинг ички муаммоларини сира писанд қилмаслиги халқ орасида кескинликни келтириб чиқарди. Республика ҳукуматига ҳарбий комиссариатлар тўғрисида жуда кўп шикоятлар кела бошлади, комиссариатлар топшириқни бажаришга ҳаракат қилиб, баъзан армияда хизмат қилишга яроқсиз йигитларни — касалларни, яхши тайёргарлик кўрмаган, мамлакат бошқа минтақаларининг совуқ иқлим шароитига кўника олмайдиганларни ҳам армияга жўнатар эди. «Халқ ҳимоячилари» вазифасини бажариб, ўзига сиёсий обрў орттиришга уринаётган турли-туман сиёсатбозлар ва амалпарастлар республикадаги ана шу муаммолардан фойдаланишга моҳирлик билан ҳаракат қилар эдилар.

Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати бу масалаларни чинакам ҳал қилишга киришди. Сўнгги уч йилда турли даражаларда ҳукуматнинг армияда хизмат қилиш хусусидаги собитқадам сиёсати ҳақида гапиришга имкон берадиган бир неча қарорлар пайдо бўлди.

Яқинда, май ойида қабул қилинган ҳужжатлардан бири — Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларни ҳақиқий ҳарбий хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида»ги қароридир. Бу қарорда сўнгги йилларда биринчи марта шу йўналишда қилинган фойдали ишларга якун ясалди. Бу ҳужжатда республика ҳарбий комиссариатига йигитларимизни қонталаш нуқталарга — Закавказье ҳарбий округи қўшинларини тўлдиришга, Закавказье ҳарбий округи ҳудудида жойлашган Каспийбўйи флотилияси ва Қора Денгиз флоти кучларига жўнатиш тақиқлаб қўйилди.

Республикадаги йигитларни Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жойлашган ҳарбий-қурилиш қисмларига юбориш учун чақириш ҳам тақиқланди. Қарорда армияга чақирилувчиларни тиббий кўрикдан ўтказишга алоҳида эътибор берилди, йигитларни чақириш мумкин бўлмаган касалликлар рўйхати кенгайтирилди. Бу муаммолар май ойидаёқ мамлакат Мудофаа вазирлиги олдига қўйилди ва қисман ҳал этилди.

Фақат ҳозир, Ўзбекистон Республикаси мустақил суверен давлат бўлганидан сўнг бу муаммоларни мумкин қадар тўла ҳал этиш мумкин бўлиб қолди.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ МУДОФАА СИЁСАТИГА ДОИР ФАРМОНЛАРИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАЁТИР?

● 29 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда ушбу девон мудофаа сиёсати бўлимининг масъул ходимлари, жумҳурият вазирликлари ва идораларининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раҳбарлари, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи раҳбарияти, Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон ва вилоятларнинг ҳарбий комиссарлари, ҳуқуқ-тартибот органларининг ходимлари қатнашдилар.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Т. А. Алимов олиб борди.

Ўзбекистон Президенти 1990 йил 4 сентябрда «Жумҳурият ёшларини армияга чақиришни ва уларнинг ҳарбий хизматни ўташини такомиллаштириш чоралари тўғрисида» қабул қилган Фармон қандай бажарилаётганлиги ва «1991 йил кузги чақирувни ташкил этиш ҳамда уни юқори савияда ўтказиш ҳақида»ги масала кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони мудофаа сиёсати бўлимининг мудири Б. Э. Қосимов ва Ўзбекистон Республикаси мудофаа ишлари вазири генерал-майор Р. Ў. Аҳмедов йиғилишда маъруза қилдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Президентининг Фармони ўз вақтида чиқарилган бўлиб, бу ҳужжат жуда катта сиёсий аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Унинг барча моддалари сўзсиз бажарилишига ҳаракат қилинаётганлиги қайд этилди. Ушбу Фармонга мувофиқ 1990 йилдаги кузги чақирувдан бошлаб ёшларни Ўзбекистондан ташқарида жойлашган ҳарбий-қурилиш қисмларига юбориш тўхтатилди. Шу муносабат билан ҳарбий-қурилиш қисмларига хизматга чақирилувчиларнинг сони кескин қисқарди. Масалан, Президент Фармони қабул қилингунга қадар ҳар қайси даврда ҳарбий-қурилиш қисмларига 15 мингдан ортиқ йигит юборилган бўлса, шу йилнинг баҳорида эса 1 минг 140 киши жўнатилди. Уларнинг ҳаммаси Ўзбекистон ҳудудида хизматда қолди.

Президент Фармонига асосан ёшларни ҳарбий хизматга чақириш шу йилнинг баҳоридан мамлакат Қуролли Кучлари Бош штаби билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ўртасида Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳақиқий ҳарбий ҳизматга чақирув ва уларнинг ҳарбий хизматни ўташини яхшилаш тўғрисидаги битимга мувофиқ ўтказилмоқда. Шуни айтиб ўтиш керакки, бундай битим биринчи марта имзоланди. Чақирувнинг бундай қоидаси республикамиз раҳбарияти нинг талаби бўйича СССР Президентининг 1991 йилги кузги чақирув ҳақида қабул қилган Фармонида ҳам белгилаб берилди. Бу республикага армияга чақирилувчиларнинг сабаби бўлса, чақирувдан озод қилиш билан боғлиқ масалаларни мустақил равишда ҳал этишга қулайлик яратди.

Тинч даврда ҳарбий хизмат бурчини бажариш чоғида акаси ҳалок бўлган йигитлар муддатли ҳарбий хизматга чақирилмайдиган бўлди. Шунингдек, 1991 йил кузги чақирув бўйича битимда белгиланганидек, оиладаги ёлғиз ўғил, шунингдек, чўпонлар ҳарбий хизматга чақирилмайди, оиладаги кенжа ўғил эса агар унинг акалари ҳарбий хизмат қилган ёки қилаётган бўлса, у ҳам мажбурий хизматдан озод қилинади.

Мазкур Фармоннинг ҳарбий хизматчилар ва уларнинг онла аъзоларининг ижтимоий ҳимояланишини кучайтириш бўйича талаби бажарилди. Ҳарбий хизматчиларни суғурта қилиш ишлари жорий этилди.

Илгари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳарбий комиссариати вазифасини бажарган республика ҳарбий комиссариати Ўзбекистон Республикаси ҳарбий комиссариати ва Тошкент вилояти ҳарбий комиссариатига айлантирилди. Ҳозирги вақтда барча комиссариатлар Ўзбекистон Республикасининг мудофаа ишлари бўйича вазирига бўйсундирилган.

Армияга чақирилиш ёшидаги йигитларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, чақириқ комиссияларида қаттиқ тиббий назоратни таъминлаш ишларини ташкил этиш учун қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг муовини лавозими жорий қилинди ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига, вилоят ижория комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети соғлиқни сақлаш бошқармалари (бўлимлари)га биттадан штат ажратилди. Бу лавозимлар асосан малакали мутахассислар билан таъминланди. Натижада тиббий комиссиялар ишининг сифати ошди.

Вилоятларнинг, деб таъкидланди йиғилишда, Ўзбекистондан чақирилган ёшлар хизмат қилаётган ҳарбий округлар ва флотлар билан мунтазам оталиқ алоқалари ўрнатилди. Бу йил ана шундай оталиқ алоқалари йўли билан республикамизда 160 дан зиёд делегация ҳарбий қисмларда бўлиб, юртдошларимиз ва уларнинг командирлари билан учрашувлар ўтказди, давра суҳбатларида иштирок этди.

Шуни алоҳида айтиш керакки, ўзбек миллатига мансуб ҳақиқий ҳарбий хизматчилар мамлакатимиз Қуролли Кучларида ҳозирги кунда тахминан 10 фоизни ташкил этаётган айни вақтда ўзбек миллатига мансуб офицерлар таркиби ҳам кўп эмас. Офицерлар таркибини кўпайтириш мақсадида туб миллатга мансуб йигитларни танлаш ҳамда уларни республикамиздаги ва мамлакатдаги ҳарбий ўқув юртларига ўқишга юбориш юзасидан собитқадамлик билан иш юритиш зарур.

Йиғилишда Президент Фармонини бажариш борасида йўл қўйилаётган камчиликлар атрофлича таҳлил этилиб, уларни тездан бартараф этиш йўллари белгиланди.

Йиғилишда Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг ўринбосари, генерал-майор Р. Э. Хадирбоев иштирок этди.

Т. БОТИРБЕКОВ,
(ЎзТАГ мухбири).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИДА

30 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда республиканинг давлат мустақиллигини янада мустаҳкамлаш масалалари қараб чиқилди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдаги саккизинчи сессиясини 1991 йил 18 ноябрда чақиришга қарор қилинди, унда бир қатор тегишли қонунларни, шу жумладан республика Президентининг умумхалқ сайловини ўтказиш тўғрисидаги қонунни қабул қилиш назарда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг иқтисодий ҳамжамият тўғрисидаги шартнома ҳамда суверен давлатлар иттифоқи тўғрисидаги шартнома лойиҳаси хусусидаги ахборотини маълумот учун қабул қилинди. Имзоланган шартнома республикани мушкул аҳволдан олиб чиқишга оид қатор муаммоларни ҳал этиш учун замин тайёрлаганлиги таъкидлаб ўтилди.

Раёсат суверен давлатлар иттифоқи тўғрисидаги шартномани имзолашни бошқа республикалар билан икки томонлама шартномалар тузилгунга қадар ҳамда шартноманинг тугал лойиҳаси Олий Кенгашда муҳокама этилгунга қадар тўхтатиб туришни зарур деб топди.

Ўзбекистон Республикаси билан Озарбайжон Республикаси ва Украина ўртасидаги давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисидаги шартноманинг, РСФСР билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик принциплари тўғрисидаги битим ҳамда Ўзбекистон ва Россия расмий делегациялари ўртасидаги музокараларнинг якунлари юзасидан ахборот имзоланганлигини раёсат аъзолари маъқулладилар. Ушбу шартномаларни ратификация қилиш тўғрисидаги таклифни Олий Кенгаш муҳокамасига киритишга қарор қилинди.

Туштан сўровларга жавобан 1991 йилнинг 7 ноябри — дам олиш кунида намойишлар ҳамда шу санага бағишланган бошқа жамоат, байрам тадбирларини ўтказиш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилинди. 8 ноябрь иш куни деб эълон қилиниб, бу иш куни учун ҳақ меҳнат тўғрисидаги қонунларга мувофиқ тўланади ёки жамоанинг ихтиёрига биноан меҳнат отпускасига бир кун қўшиб берилади.

Кадрларга оид масалалар қараб чиқилди. Н. Саъдуллаевнинг «Халқ сўзи» — «Народное слово» рўзномаси муҳаррири вазифасини бажаришдан озод этиш тўғрисидаги аризаси қондирилди. Олий Кенгаш раҳбариятининг, Ошкоралик масалалари қўмитасининг таклифига биноан ҳамда А. Ғ. Мухторовнинг розилиги билан уни ўз лавозимига тиклаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Илгари у ўз илтимосига биноан вазифасидан озод этилган эди.

Раёсат бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

СПОРТ

КАФОЛАТ БЕРИШ ҚИЙИН

● БУГУН олий лига футбол жамоалари ўртасида мамлакат чемпионатининг якунловчи тур ўйинлари бўлиб ўтади. Маълумки, пойтахт армиячилари муддатидан илгари чемпионликни қўлга киритишган. Бронза медалининг эгаси ҳам бугун бўладиган ўйинлар натижасига боғлиқ бўлиб турибди. Жумладан, пойтахт спартакчилари «Металлург» жамоасини қабул қилиб, кумуш медалларига асосли эга бўлишганини амалда кўрсатишар. Торпедочилар эса Киев динамочиларини қабул қилишади ва очколарини 37 тага етказиб, учинчи ўринни эгаллаган ҳолда бронза медали соҳиби бўлишга куч берадилар. Шу ўринга «Черноморец» ҳам даъвогар бўлиб турибди. Бу жамоа «Помир» футболчиларини қабул қилади. Майдон эгалари муваффақият қозонишса 36 очко билан (Киев динамочилари кутилмаганда ютқазишса) мавсумни учинчи ўринни эгаллаш билан якунлашлари мумкин.

Ўйинлар жадвалининг қуйи поғоналарини эгаллаб турган жамоалар мавқеида ҳам жиддий ўзгаришлар кутилмоқда. Хусусан, «Металлург», Владикавказ спартакчилари «Пахтакор» ва «Металлист» футболчилари олий лигадаги ўринларини сақлаб қолиш учун курашадилар. Айниқса, пахтакорчилар билан «Металлист» футболчиларининг бу борадаги даъвогарлиги кучлироқ. Боиси, «Металлист» мавсум ташвишларидан қутилган армиячиларни қабул қилишса, пахтакорчилар «Днепр» майдонида куч синашадилар. Пахтакорчилар ҳисобида саккизта, «Металлистда» еттита ғалаба борлиги бироз умидворлик уйғотади. Ҳар иккала жамоа 23 тадан очкога эга. Аммо футболчиларимизни олий лигада қолишлари учун бу кафолот бўлолмайди.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат —, 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарб